

НУРЛИ МАНЗИЛ САРИ

Таникли иктисодчи олим, профессор
Мамажон Адхамовнинг ҳаёти ва фаолиятига
чизгилар

«ФАРҶОНА» НАШРИЁТИ
НАЗОРАТ НУСХА

«Фарғона» нашриёти,
2013 йил



УЎК 51(092) Адхамов

КБК 65.23 г - *Илимлар, фан ариблири*

К80

22.1г - *Математика*

Тўплаб нашрга тайёрловчи:

Д. Қурбонов,

иқтисод фанлари номзоди, доцент

Масъул муҳаррирлар:

А. Гофуров,

иқтисод фанлари доктори, профессор

И. Солижонов,

филология фанлари доктори


НУРЛИ МАНЗИЛ САРИ: мақолалар, лавҳалар/Фарғона:
«Фарғона» нашриёти, 2013. – 72 б.

Ушбу рисолада таниқли иқтисодчи-математик олим, профессор Мамажон Адхамовнинг илмий, ижодий ва амалий-педагогик фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи эсдаликлар ва мақолалар, уни яқиндан билган инсонларнинг дил сўзлари жамланган. Китобни мутолаа қилган ўқувчи ўз олдига қўйган юксак мақсадлар йўлида барча синов ва машаққатларни енгиб ўтган замондошимизнинг ибратли ҳаёти лавҳаларидан фойдали хулосалар чиқаради деб ўйлаймиз.

УЎК 51(092) Адхамов

КБК 65.23 г

ISBN 978-9943-349-84-1



NO 42186
0

1 БЎЛИМ.

КАЛБ ҚАТИДАГИ ЁЗУВЛАР

МАШАҚҚАТЛИ УМР САРҲИСОБИ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, илмий назария ҳамма замонларда ҳам инсонларнинг табиий зарурияти бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг таълим беришларича, Аллоҳ буюк донишманд ва олимларни дунёни обод қилиш учун яратади. Улар жамият юкини ўз елкаларига оладилар, ҳамиша ўзгалар гами билан яшайдилар, илму маърифат нури воситасида халқни зулмат ва жаҳолат уқубатларидан озод қиладилар:

Агар табоҳ шавад мамлакат зи шох маранж,
Ки нозди аҳли ҳақиқат гуноҳи дарвеш аст.

Мазмуни: Агар мамлакат вайрон (хароб) бўлса, шохдан ранжима, чунки ҳақиқат аҳлининг наздида бу дарвешлар (донишманд ва мутафаккирлар) нинг гунохидир.

Фан тадқиқотчидан ишончли илмий билимлар воситасида ҳақиқатни билиш ва уни далиллар асосида исботлаш учун собиткадамлик, принципиаллик, мустаҳкам ирода, сабот-матонат, холислик, дадиллик, фидойилик, ростгўйлик, тараққийпарварлик, халқпарварлик ҳамда ватанпарварлик сингари юксак ахлокий сифатларга эга бўлишни талаб этади. Мавжуд илмий назария ва таълимотларга танқидий ёндашиш—фан тараққиётининг муҳим талабларидан биридир. Кишилиқ жамиятининг ривожланиши йўлида чекиладиган заҳматлар эвазига кашфиётлар қилиш ижодкор олимларнинг бурчи ва бахтли қисматидир.

Дунёда олимлар инсониятни жаҳолат, қолоқлик,

кашшоқлик, зулм ва адолатсизликлардан озод қилувчи халоскорлар сифатида майдонга чиқадилар. Маълум бир халқнинг маънавий интеллектуал салоҳиятини, жаҳон ҳамжамиятида тутган мавқеини у инсоният учун қандай олимларни етказиб берганлиги билан аниқлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақияти, таълим сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилашни, мамлакатимизнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини ҳозирги давр талаблари даражасига кўтаришни, ўқитувчи ва олим шахсини камол топтириш, зиёлиларнинг илмий-ижодий ташаббускорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишни талаб қилади. Бу долзарб муаммоларни ҳал этиш олимлар зиммасидадир. Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар самараси, шубҳасиз, ижодкор-олим шахсининг шаклланиш сифати таркибига боғлиқдир.

Ҳар бир тарихий даврда фаннинг бутун машаққатли меҳнатини ўз зиммасига олган, унинг равнақи учун кучкувати, ҳаёти ва ҳузур-ҳаловатини бахшида қилган фидойи олимлар бўлади, улар шарофати ила инсонларда илм-фанга меҳр-муҳаббат шаклланади, маънавий камолот чўкқиларини забт этиш эзгу орзуга, ҳаётий мақсадга айланади.

Олим ҳам ижодкор ва санъаткордир. Демак, у адабиётни жону-дили билан севадиган шахс. Кембрижда 1907-1916 йилларда нашр этилган ўн тўрт жилдлик «Оврупа адабиёти тарихи» деб номланган асарда адабиёт таркибига фалсафа, сиёсат, иқтисодиёт, парламентга хос суҳандонлик, диний рисоалар, газета-журналлар, хусусий мактублар, кўча кўшиқлари, саёҳатлар, спорт ўйинлари ҳақидаги ҳисоботлар, ҳатто рўзғорда тутиладиган хўжалик дафтарлари, пазандачилик тавсияномалари, хушфёъллик қонун-қоидалари мажмуалари ҳам киритилган. Адабиётни англаш ҳаётни англашдир.

Ҳа, олим бўлиш осон эмас. Энди олим бўлиш учун кўп

билим ва тафаккурга, бирон бир ижод намунаси – асари билан ўз муаллифлигига эга бўлиши даркор. «Муаллиф» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, бирор нарсани кўпайтирмак, оширмак деган маънони англатади. Ижодкор, у қайси соҳа бўйича ижод қилишидан қатъий назар, «муаллиф» деган унвон эгаси сифатида ўз асарлари билан халқнинг маънавий бойликларини кўпайтирган, гўзаллик ва илм бобида янги ҳудудлар очишга эришган шахсдир. Шундай хислатларга эга бўлган шахсларни ОЛИМ деб айтиш мумкин.

Фарғона давлат университети иқтисодиёт кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори Мамажон Адхамов юкорида келтирилган таърифларга муносиб олимлардандир. У, аввало, ўзига, шогирдларига нисбатан ниҳоятда талабчан, шу билан бирга содда, ишонувчан, аммо ижтимоий ҳаётда фаол, илму-ҳақиқат йўлида ижод ва меҳнатдан чарчамайдиган, халқимиз, хусусан, таълим тизимидагилар эътиборини қозонган мўътабар инсондир. Замондошимизнинг ҳаёти, илм сари интилиши, ўқитувчилик, мураббийлик фаолияти, инсонийлик, меҳнатсеварлик хусусиятлари, ўз устида тинмай ишлаши, инновацияга қизиқувчанлиги таълим тизимида хизмат қилаётган ҳамкасблари, шогирдларига намуна ва ибрат бўла олади.

Ушбу рисолада М.Адхамовнинг олим ва оддий инсон сифатидаги қиёфасини тасаввур қилиш, ички дунёсига холисона назар ташлаш, илмнинг заҳматли йўлларидаги тўсиқларни енгиб ўтиш тажрибаси, олисда кўриниб турган нурли истиқбол манзилларига етишдаги шижоати, олим тақдирида из қолдирган давр, одамлар ва воқеалар ҳақида сўз боради. Камтаринлик ва эзгулик улашувчи инсон тўғрисидаги ушбу мўъжаз асар Сизларни бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз.

ИЛК ҚАДАМЛАР ВА ҲАЁТ САРИ ИНТИЛИШЛАР

Умрни окар дарёга ўхшатадилар. Дарёлар ўзининг зилол сувлари оркали инсонлар эҳтиёжларини кондиришга ва борликни гулу-гулзорга безашга шошади. Инсон ҳам табиатан дунёни гўзаликка буркашга, атрофдагиларга наф келтиришга, кўпчилик орасида бўлишга интилади. Умргузаронлик деб шуни айтадилар.

Ҳар инсон умри яна шуниси билан ҳайратланарлики, гарчи одамлар орасида бўлса ҳам, ҳаётда ўз ўрни ва ўз ақидаларига эга бўлишга интилади. Бундай интилишлар уни камолотга етаклайди, юрт ғами билан яшашга ундайди. Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг:

«Одами эрсанг демагил одами,
Они ким йўқ халқ ғамидин ғами»
мисралари ҳар биримиз учун ибратлидир.

Сизларга таништирмакчи бўлган ҳамкасбимиз ўзлигини танигандан буён ана шу ақидага амал қилган ҳолда сермазмун ҳаёт йўлини давом эттирмакда. Мамажон домланинг умр китобини биргаликда варақласак, дилимизда завку-шавк уйғониши табиий.

Мамажон 1943 йилнинг 6 феввалида, айни киш чилласи чиққан куни Фарғона туманининг Аввал қишлоғида яшовчи Адҳамжон ота ва Ойимчаҳон аялар хонадонидан таваллуд топди. Кенжа фарзанд бўлиб, опалари Асалхон ва Доноҳон, акаси Қодиржонлар билан биргаликда оила даврасини янада шоду-хуррамликка тўлдирди. Аммо бу шоду-хуррамлик узокка чўзилмади. Чақалоқ туғилгандан кейин 2-3 ойлардан сўнг Адҳамжон ота Ватан ҳимояси учун армияга чакирилди. Айни шу пайтда II жаҳон уруши ҳал бўлиш палласига кирган эди. Ўзбек дивизияси сафига чакирилиб, Сталинград (ҳозирги Волгоград) фронтига урушга жўнаб кетди. Афсуслар бўлсинки, Адҳамжон ота фронтдан қайтмади, оиласи бағрини шодликка тўлдириш у кишига насиб этмади.

Адхамжон ота дехқончилик сиру-асрорларидан яхши хабардор бўлган тadbиркор дехқон эди. Шу боис маҳалладагилар ундан керакли маслахатлар олиб туришарди. У айниқса, ғаллани ўриш, сақлаш ва қайта ишлаш усулини яхши ўзлаштирган эди. Ғаллани сақлашда ҳароратнинг ўзгаришини, кенг жойларда иссиқликнинг ошиб кетиши маҳсулотнинг бузилишига асосий сабаб бўлишини маҳалладошларига уқтирарди.

«Номи ўчгур уруш» оқибатида бевага айланган Ойимчахон аяни ҳаётнинг ўзи етим қолган тўрт фарзандини ҳам ота, ҳам она бўлиб вояга етказишга ундади. Айни урушдан кейинги давр, айниқса кишлокларда ҳаёт жуда оғир, нон топишнинг ўзи амри-маҳол эди. Бу кийинчиликларни онахон ўзининг ҳалол меҳнати, матонати билан енгиб ўтишга астойдил ҳаракат қилди.

Адхамжон ота фронтга кетишдан олдин оиласи учун бир ғунажин ва битта товуқ олиб, «Ойимчабону – шу хайвонларни яхшилаб парвариш қилинг, улар сизнинг корингизга ярайди, болалар ва ўзингизни асранг, бу гапларни асло унутманг», деган эканлар. Ойимчахон ая умр йўлдошининг бу ўғитини бир умр бажо этиб борди. У ниҳоятда зеҳни ўткир, зукко, кўп нарса билишга қизиқадиган донишманд ва меҳнатқаш аёл эди. Ўғилларини Адхамжон ота орзу қилганидек ўқимишли, эл-юрт хизматига ҳамиша камарбаста, оқил ва уддабурон йигитлар қилиб вояга етказди. Кўп йиллар қолхозда ҳалол меҳнат қилган Ойимчахон ая тирикчиликнинг барча укубатларини нозик елкасида кўтарган, бошқа болаларга ҳам ўз болаларидек меҳр кўрсатди.

Мамажон ҳамма тенгдошлари қатори 1950 йили биринчи синфга ўқишга борди. Ойимчахон ая эртадан кечгача далада меҳнат қилар, оилани боқишга топгани баъзан етар, баъзан етмасди. Шунда у: «Болаларим, сабр қилинглар, яхши кунлар ҳам келиб келар», деб фарзандларини ишонч билан яшашга ўргатар эди. Ўша пайтлари 7-синфдан бошлаб мактаб

Ўқувчилари дарсдан кейин ҳар куни колхоз даласида ишлашлари шарт ва болалар дарс тугаши билан далага борар эдилар. Бундай заҳматлар Мамажоннинг пешонасига ҳам ёзилган эди. Ўқувчилик, ёшлик-болалик катта ҳаёт йўлларидаги интилишларини қаҳрамонимиз шундай эслайди:

«5-7 синфларда мактабимизда математика фанидан ажойиб педагог – Жўра ака Ғофуров (охиратлари обод бўлсин) дарс берар эдилар. У киши дарсни шундай қизиқарли, жонли (бизнинг тасаввуримизда) ўтардилар-ки, биз, айниқса уч ўрток – Охунжон Назаров (охиратлари обод бўлсин), Худойберди Каримжонов ва мен устозимизга мафтун бўлиб қолардик. Дарс пайти қолган ўқувчилар 3-4 та мисол ёки масаланинг ечимини топсалар, биз учқовлон камида 6-8 та мисол ёки масалани ечишга улгурар эдик. Математика фани жону-дилимиз эди. Адабиёт, рус тили ва география фанларига ҳам жуда қизиқардим. Қишлоғимиз марказида, мактабга етмасдан кутубхона бўлар эди, ҳар ҳафта янги китоб олиб ўқимасак бўлмасди. Қалин жилдли «Капитан Грант болалари», «Витя Маллаев мактабда ва уйда», «Ўзбек халқ эртақлари» каби китобларни мароқ билан ўқиб чиққан эдим. Беғубор болаликни соғинмасдан бўладими...

Ўйлаб кўрсам, ҳар бир шахснинг комил инсон бўлиб етишиши, аввало яшаб турган муҳитига, унинг ўз хатти-ҳаркатларига боғлиқ экан. Ҳаётга интилиши, илмга чин дилдан меҳр қўйиши унинг келажак тақдирини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилар экан. Ёшликдаги орзуларимдан бири катта шаҳарда, қайноқ ҳаёт бағрида яшаш бўлган. Билмадим, сабаби нимада, лекин мен шуни орзу қилар эдим. 1960 йилда ўрта мактабни тугатганимдан сўнг олдимда катта муаммолар турар эди. Уларни ҳал этиш аввало ўзимга ва, албатта, оиламиз муҳитига боғлиқ эди.

Онам ниҳоятда юмшоқ табиатли аёл бўлганлар. Биз болаларига бирон марта тан жазоси бермаганлар, баъзан биллиб-билмай ножўя иш қилиб қўйсак, «Ҳа, сен нодон», деб

койир эдилар. Агар оғзимиздан бирон-бир «кўпол» сўз чиқиб кетса, «Оғзинг ҳаром бўлди, оғзингни тоза сув билан чайиб ол», дердилар. Бундай тарбиянинг таъсири бўлса керак, мен ҳалигача ҳар қандай ҳолатда ҳам ножўя сўзларни ишлатмасликка ўзимда куч топа оламан. Онамнинг яна бир хусусиятлари уларда тиббий башоратчилик бор эди. Агар бизнинг бирор жойимиз оғриб, ёки «кинна» кириб қолса, дарров билар эдилар, мазалари кочиб қоларди. Шундай ҳолатларда, «Кимгадир «кинна» кирибди, тезда олдимга кел, акс ҳолда мен касал бўлиб қоламан», дердилар. Қай биримиз ўзимизни нохуш сезаётган бўлсак, дарров бориб онамнинг тиззаларига бошимизни кўяр эдик. Бир нималар деб пичирлаб, бошимизни кўллари билан силар эдилар. Бироз вақт ўтиб, биз «бемор» ҳам, онамнинг ўзлари ҳам дарров яхши бўлиб қолар ва яна ўз ишларимизга киришиб кетардик. Баъзан маҳалламиз болалари ҳам онамнинг бу «табиблиги»дан баҳра олар эдилар.

Онажоним 79 ёшда бандаликни бажо келтирдилар. Мен ҳаётлик чоғларида онажонимга нечоғлик хизмат қилдим, дилларини шод эта олдимми-йўқми, билгувчи ёлғиз Оллоҳдир. Уларнинг қабрини тез-тез зиёрат қилиб тураман, менга ҳамиша мадад беришларини сўрайман. Эҳтимол ишларимнинг юришаётганлиги уларнинг розилиги ва руҳларининг кўллаб-қувватлаб турганлигидандир.

Инсон фаолияти оила муҳитига, иш жойидаги вазиятга боғлиқ. Эл-юртга, одамларга, маҳалла-куйга, шогирдларга бирор фойдам теккан, илмда қандай даражага етган бўлсам – оила аъзоларимдан – жуфти ҳалолим, қизим, ўғлим, набирамдан миннатдорман. Айниқса, умр йўлдошим – Сабоатхондан. Оила қурганимизга қирк беш йилдан ошибди. У турмушнинг турфа синовларига, менинг баъзи бир инжиқликларимга чидаб, яратганга шукроналар айтиб яшайди. Покиза, саранжом-саришта, уйим-жойим, рўзғорим дейдиган аёл. Адолатсизликни, ёлғонни, сохта муомалани ёқтирмайди.

Икки фарзандли бўлдик. Қизимиз – Шаҳнозахон

иктисодчи, солиқ соҳасида фаолият юритади. Ўғлимиз – Улуғбек ҳам иктисодчи, тадбиркорлик билан ҳам шуғулланади. Набирамиз – Ферузахон академик лицейда ўқийди ҳамда хорижий тиллар (инглиз тили)ни мукамал ўрганмоқда.

Оллохга шукур, камчилигимиз йўқ. Инсонга оиласидаги тинчлик, тотувликдан, осойишталик, фаровонликдан, меҳроқибат ва ҳамжиҳатликдан, шунингдек, сиҳат-саломатликдан ортиқ яна нима керак? Мана шунинг ўзи бахт эмасми?..»

ИҚТИСОДИЁТ ЖОНКУЯРИ

(Профессор М. Адхамовнинг илмий ишлари хусусида)

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши ва самарадорлиги бевосита табиий фанлар, айниқса, математика, унинг замонавий йўналиши бўлган математик моделларга боғлиқлиги XX аср охирларида яққол кўзга ташланди. Л. Кантарович, В. Леонтьев каби буюк математик олимларнинг айнан иқтисодий жараёнларни таҳлил этиш ва бошқаришдаги туркум илмий ишлари учун Нобель мукофотига лойиқ топилганлиги фикримиз далилидир.

Ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши, фан-техника тараққиётининг ўсиши, меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари мавжудлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини яхшилаш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ҳар қандай жамиятнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Таъкидлаб ўтилган вазифаларни амалга оширишда, тартибга солишда ва бошқаришда математик моделлар энг ишончли ва «эскирмас восита» эканлиги профессор М. Адхамовнинг дастлабки илмий изланишларида ҳам ўз ифодасини топган. Олимнинг «Планлаштиришда математик моделларнинг қўлланилиши» (1982й.) ўқув қўлланмасида ишлаб чиқариш жараёнини чуқур илмий таҳлил этиш, оптимал ривожлантириш ва жойлаштириш, тармоқ корхоналари хўжалик фаолиятини баҳолаш каби масалаларнинг назарий асослари яратилдики, бундай қарашлар иқтисодиёт тармоқларига бевосита тадбиқ этилгани билан характерлидир. Бошқача айтганда, хўжалик фаолиятини таҳлил этиш ва бошқаришни бундан кейин иқтисодий-математик моделлар ва усулларсиз ҳал этиб бўлмайди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари бошида, ўзбек тилида яратилган дастлабки мазкур ўқув қўлланма иқтисодчилар томонидан эътироф этилиб, ўз даврининг мукамал ўқув қўлланмаси

сифатида таълим тизимига кенг кириб бора олди. Китобни варақлар экансиз, унда корхона ва тармоқларда оптимал планлаштиришнинг назарий асослари, ишлаб чиқаришни оптимал ривожлантириш ва жойлаштириш моделлари, тармок корхоналарида хўжалик фаолиятини бошқариш моделлари каби илмий йўналишлар ҳам иқтисодий, ҳам математик нуктаи назардан (моделларда) ифодаланганлигига гувоҳ бўласиз.

Асарда модель ва моделлаштириш равон тилда ифодаланганки, уни ҳар қандай ўқувчи қийналмай ҳазм қилиши мумкин. Ҳар қандай математик модель ўрганилаётган жараённинг шундай андозаси бўлиб, бундай андоза орқали ҳар қандай ўлчамдаги ва миқдордаги хўжалик юритиш тизимини баҳолаш ва сарфланган ресурслар самарадорлигини баҳолаш имконияти яратилади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда асбоб-ускуналардан фойдаланиш жараёнларидаги математик моделлар ҳам ўзининг сермазмунлиги билан ажралиб турадики, бундай математик аппарат орқали моддий неъматларни такрор ва такрор яратишда асбоб-ускуналарнинг деярли барча томонларини кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ва транспорт ишлари бошқарувида қўлланиладиган ва унинг самарадорлигини оширувчи ресурсларнинг оптимал таксимотини ифодаловчи математик моделлар ҳам ўзининг жозибадорлиги билан ажралиб туради. Масалан, бундай моделларни фермер хўжалиги ёки хусусий автотранспорт хўжалиги фаолиятида бемалол қўллаш мумкин. Бундай моделлар хўжалик фаолиятидаги ресурсларни тежаш имкониятларини яратиши мумкин.

Ишлаб чиқариш функцияси асосий фондлар ва ишчи кучи орқали корреляцион боғланишда ифодаланиши аллақачон фанда исботланган. М. Адҳамовнинг бу муаммони ҳал этишдаги хизматлари жараёни ҳам содда семантика, ҳам равон математик ибораларда баён этишнинг қулай йўлларини топ-

ганидадир. Хозир ҳам, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги боғланишлар айнан корреляцион ва регрессион усуллар ёрдамида ҳал этилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур асарда ўша давр руҳи сезилиб турибди. Шунга қарамай, М. Адҳамовнинг ушбу асари шу йўналишдаги дастлабки ва ишончли адабиётлардан бири эканлиги диққатга сазовордир.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бизнес ва тадбиркорликнинг кириб келиши муносабати билан мазкур йўналиш бўйича янги адабиётларни яратиш ва шу орқали билимдон мутахассисларни тайёрлаш давр талабидир. Шубҳасиз, бу бизнес ва тадбиркорлик, хўжалик юритиш тизимини шакллантирибгина қолмасдан, балки фаолиятнинг янада кўпроқ наф келтириши учун замин яратади.

Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида ёзилишича, Соҳибқирон Амир Темур олим-у фузалолар даврасида шундай дер экан: «Қадимдан маълумки, фан ва дин кишилари подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Чунки мамлакатдаги аҳвол, оддий одамлардан тортиб, жойлардаги ҳокимлар ҳаёти ҳаммадан кўра сизларга аён. Шулар туғрисида менга ҳаққоний маълумотлар берингиз. Адолатсизликларга қарши қонуний чора-тадбирлар айтингиз». Демак, ҳамма замонларда ҳам қонуний давлат барпо этишда илму фанга катта аҳамият берилиб, олим-у фузалолар иззат-икромда яшаганлар.

Иқтисодиёт фанининг иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдаги ўрни, унинг вазифалари ва минтақада амалга оширилган йўл-йўриқлари бўйича профессор М. Адҳамов «Фарғона ҳақиқати» газетасида «Тадбиркорлик сир-асрорлари» (1996 йил, 11 апрел) деб номланган илмий мақоласини кенг газетхонлар оммасига ҳавола қилди. Мақолада мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, боғу-бўстонларга айланишида, унинг дунёга юз тутишида Ватан туйғусини қалбларига жо айлаган ишбилармон ва тад-

биркорларнинг хизмати беқиёс эканлиги, уларнинг фидойиликлари туфайли мамлакатимиз яқин йиллар ичида дунёга танилиши ҳақида фикр юритилган эди. Чиндан ҳам ҳозир мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган янги типдаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда, ички ва ташқи бозор хилма-хил ва сифатли маҳсулотлар билан тўлмоқда. Зеро, тадбиркорлик сиру-асрорларини жаҳон иқтисодиёти тажрибаларидан фойдаланиб ўрганиш бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш йўллари билан биридир.

1996 йилда устоз мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, унинг негизда тадбиркорларга кўмаклашиш учун тадбиркорлар ўқувини ташкил этиш мақсадида «Ишлаб чиқаришни ташкил этиш» ва «Фаолиятни режалаштириш» («Фарғона ҳақиқати», 1996й.) каби мақолалар билан ўз илмий қарашларини эълон қилди. Уларда эндигина ташкил этилаётган тадбиркорлик фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бошқаришни тартибга солиш ва назорат қилиш йўл-йўриқлари ҳақида илмий-амалий таклиф ва хулосалар берилган. Ушбу тавсияларга ҳозирги вақт нуқтаи-назари билан қаралса, олим ўз илмий фикрлари билан анча илгарилар кетганлиги ойдинлашади. Бу фикрларни олимнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича олдиндан берилган маслаҳатлари деб қабул қилиш мумкин.

Мамлакатимизда 1996 йилнинг «Амир Темур йили» деб эълон қилиниши муносабати билан олим матбуотда ўзининг «Темур тузуклари ва иқтисодиёт» мақоласини эълон қилди («Фарғона ҳақиқати», 1996 йил, 24 феврал). М. Адхамов фикрича, «Амир Темур нафақат буюк соҳибқирон, балки етти иқлимни адолат ила бирлаштирувчи саркарда, шу билан бирга тежамкорликда ўз йўли ва услубига эга бўлган замонасининг етук иқтисодчи олими ҳамдир. Мамлакатни бошқаришда халқ фаровонлигини ижтимоий воситалар билан олиб бориш зарурлигини англаб етган шахс. Буюк

сохибкирон А.Темур юртларни босиб олиш учун эмас, адолат ўрнатиш учун ҳаётини бахшида қилган инсон.

Олимнинг илмий қарашлари уларда «Темур тузуклари»ни қайта-қайта ўрганиш иктисодиётни бошқаришда тарихий восита бўлиб хизмат қилиши илмий жиҳатдан асосланганлиги билан янада қадридир.

М.Адхамовнинг 1998 йил Аҳмад Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган «Меросидан қалблар мунаввар» («Фарғона ҳақиқати», 1998йил, 5май.) маколasi ҳам эътиборга лойиқдир. Мақолада келтирилишича, буюк боболаримиздан бири бўлган Аҳмад Ал-Фарғоний астрономия, география, геология, тарих фанларининг билимдони, шу билан бирга иктисодчи олим эканлиги тарихий фактлар ёрдамида илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Алқисса, профессор М. Адхамов иктисодиёт илми сирасорларини нафақат ёшларга, шунингдек кенг жамоатчиликка етказишда, уларнинг дилларини обод этишда жонбозлик кўрсатаётгани қувонарлидир.

Ҳар бир янги иш фаолияти, бизнес ёки тадбиркорлик ўзининг пухта ишлаб чиқилган бизнес-режасига таянади. Агар бизнес-режа қанчалик пухта тайёрланган бўлса, бизнесдаги хавф-хатар ёки таваккалчилик даражаси шунчалик пасайиши мумкин. Бизнес-режа тузишнинг ўз қонунқоидалари ва сирасорлари борки, улардан хабардор бўлиш ҳар бир тадбиркорга фақат наф келтиради. Агар тадбиркор ўз ишини эндигина бошлаётган бўлса, ўзи бизнес-режа тузишни мустақил ўрганиши ҳамда шу соҳадаги мутахассис ёки мавжуд адабиётлардан «маслаҳат» олгани мақсадга мувофиқдир. Ушбу муаммоларни ижобий ҳал этишда М. Адхамовнинг «Бизнес-режа: қандай тузиш керак» (Фарғона, 1998й.) рисоласи лаббай деб жавоб бериши мумкин.

Мазкур асарда бизнес-режа тузишнинг босқичлари, усуллари, назарий асослари ва амалий кўриниши ўзининг оммавий ва ҳаммабоп эканлиги билан ажралиб туради. Таъ-

кидланишича, бизнес-режа куйидаги ҳолларда жуда зарур ва у сизга асқотади:

-янги фаолият (бизнес ёки тадбиркорлик)ни бошламоқчи бўлсангиз;

-амалдаги фаолиятингизни кенгайтирмоқчи ёки янгиламоқчи бўлсангиз;

-фаолиятни бошқа тадбиркорга сотмоқчи ёки унга ўтказмоқчи бўлсангиз;

-кредит олиб, хайрли ишга қўл урмоқчи бўлсангиз.

Бизнес-режа якка (хусусий) тартибда ёки корхона (жамоа) шаклида амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун бизнес-режа – жорий (1 йил) ва истикболли (1-3 йил) кўринишига эга бўлиши мумкин. Бизнес режа учун зарур бўлган: бизнес типи, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш, маблағ, жойлашуви, бухгалтерия ҳисоби, зарурий ҳужжатлар, менежмент, моддий ва меҳнат ресурслари, реклама, маркетинг стратегияси, солиқ, лицензия, рўйхатга олиш, мониторинг каби жараёнлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганилиб баҳоланганки, улар сизнинг бизнес-режангизнинг янада ишончли бўлишида қўшимча восита бўлиши таъкидлаб ўтилган.

Китобнинг аҳамиятли томони унда мустақил бизнес ёки тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун бизнес-режанинг тахминий намунаси берилганидир. Унда келтирилишича, Сизнинг бизнес-режангиз титул варағи, бизнес идентификацияси, бизнес ёки фаолиятнинг ҳозирги ҳолати таҳлили, менежмент, маҳсулот ёки хизматлар (ишлаб чиқариш режаси), бозор ва маҳсулот (хизмат) ларни сотиш режаси, корхонанинг ички салоҳияти, молиявий режа ва таҳлил қисмларидан иборат. Ушбу бизнес-режа босқичларига етарли ва ишончли жавоблар берилса, сизнинг бизнес-режангиз тайёр бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Таъкидланишича, ҳар бир жорий йилнинг якунида ҳисобот (резюме) берилиши бизнеснинг янада жозибадор бўлишига замин яратиши ва керакли хулоса


ҳамда қарор қабул қилишнинг илмий-амалий калити бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бой имкониятлар ва ҳар томонлама етарли салоҳият мамлакатимизнинг барча жабҳаларида иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлайдиган замонавий мезонлардан биридир. Шу билан бирга, шубҳасиз, инсон омили билан боғлиқ эркин ва рақобатли бозор иқтисодиёти шароитларига мос келадиган ва унга ўз салоҳияти билан жавоб берадиган мутахассислар учун замон талабларига жавоб берадиган дарсликларни ва ўқув қўлланмаларни яратиш таълим соҳасидаги тадбирларнинг ажралмас қисмидир.

Иқтисодиётга дадил қадамлар билан кириб бориш мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсишига эришиш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга самарали сармояларни олиб кириш, кенг миқёсда фойдали ва амалиётда қўллаш мумкин бўлган лойиҳаларни яратиш доимо долзарб муаммолардан биридир. Бундай муаммоларни ҳал этиш бўлғувчи иқтисодчи мутахассислардан юқори даражадаги билим ва кўникмаларни талаб этади. Шундай кўникмалар ва билим берадиган фанлардан бири, таълимнинг намунавий ўқув дастурларида кўрсатилишича, «Лойиҳа таҳлили» фанидир.

Ана шу фан бўйича ўзбек тилида ўқув қўлланмасини тайёрлашда устоз ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшгани айни муддао бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ўқув юртларида илмий услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан М. Адҳамовнинг «Лойиҳа таҳлили» («Фарғона» нашриёти, 2002й., ҳажми 6,0 б.т.) китоби ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган. Қўлланма иқтисодиёт ва бошқарув мутахассисликлари бўйича таълим олаётган талабалар, илмий ходимлар ва лойиҳа таҳлили билан шуғулланувчи мутахассислар учун мўлжалланган.

Ушбу курснинг мазмуни ва тизими бозор муҳитида инвестицион лойиҳа асосларини ўрганиш, лойиҳа таҳлилининг



босқичлари ва концепциясини, унинг амалий жиҳатларини баҳолашни ўқувчиларга таништириш ва етказишга ҳаракат қилинганлиги билан диққатга сазовордир. Шунини унитмаслик керакки, ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш, тўла экспертизадан ўтказиш, лойиҳа босқичлари ва амалиётга қўллаш механизмлари тўғрисида имкони борича етарли даражада тушунча ва кўникма беришга ҳаракат қилинган.

Ўқув қўлланмада лойиҳа таҳлилининг мазмуни баён этилар экан, ҳаддан ташқари кўп маълумот бериш, эскириб қолган ақидалардан халос бўлиш ва янгича талқин этишга йўналтирилган. Муаллифнинг мазкур илмий-амалий ўқув қўлланмаси шу йўналишдаги, айниқса, ўзбек тилидаги асарлар тўпламини янада тўлдиришга ўз хиссасини қўшди, деб бемалол айтиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитларига тўла жавоб берадиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини такомиллаштиришда, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказишда, умуман, келажакни кўра билишда ёшларимиз учун мазкур ўқув қўлланма фойдадан холи эмас деб ўйлаймиз.

Илм-чегара билмас ижод маҳсули эканлиги аллақачон исботланган. Бунинг далили сифатида устознинг «Иқтисодиётни бошқаришда математик усуллар ва моделлар» (Ўш – 2002й.) ҳамда «Бошқарувда ўйинлар моделлари ва усуллари» (Ўш – 2003й.) каби ўқув қўлланмалари (ҳаммуаллифликда) халқаро даражада қайд этилгани, улар Қирғизистон Республикаси Таълим ва маданият вазирлиги томонидан олий ўқув юртининг иқтисодиёт мутахассислари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилгани эътиборга моликдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда у ёки бу кўринишда математик ҳисоб-китобларни замонавий иқтисодиётда математик механизмлардан фойдаланиш зуру-

рияги тобора ортиб бормоқда. Мазкур математик механизм ва ифодалар хўжалик юритиш жараёнлари ҳолатини кўп вариантли асосда таҳлил этиш ва тегишли қарор қабул қилишда жуда кўл келади.

Мазкур иккала китобнинг асосий мақсади корхонада бошқарув масалаларини ҳал этишда тегишли қарорларни қабул қилиш учун миқдорий (математик) ёндашув ғоя ва йўналишларни аниқлаш ҳамда амалиётда қўллаш имкониятларини кенг китобхонлар оммасига етказишга қаратилган ва бунга маълум даражада эришилган дейиш мумкин.

Хўжалик субъекти бошқарувчилари маълум даражада иқтисодий-математик моделлар мажмуасидан, замонавий ахборот-технологиялардан фойдаланиш имкониятларидан хабардор бўлсалар, хўжалик бошқарувида ўйинлар назариясини ва тренинг ўйинлар моҳиятини маълум даражада англаб етсалар, улар фаолиятида бошқарувнинг янги самарали воситалари рўёбга чиқиши мумкин. Ана шундай миқдорий механизмларнинг назарий ва амалий жиҳатлари, амалиётга қўллаш имкониятлари мазкур ижод намуналарида атрофлича баён этилган.

Олимнинг «Макроэкономика» (Ўш – 2004й.) ўқув қўлланмаси ҳам шу соҳадаги адабиётлардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мазкур асарда қўйилган масалалар: макроиқтисодиётнинг назарий-методологик асослари; асосий атама ва иборалар моҳияти ҳамда вазифалари; амалий машғулотлар учун билим ва кўникмалар, уларни ўтказиш тартиби; курс учун амалий тавсиялари каби комплекс кетмакетлик асосида таҳлил этилган ва баҳоланган.

Мазкур фанни ёритишда чет эл олимларининг тажрибалари танқидий нуқтаи назардан ўрганилиб, миллий иқтисодиёт самарадорлиги омилларининг назарий ва амалий жиҳатлари ҳам ўз ўрнида баҳоланган. Ҳар бир мавзунинг амалий ечимларини аниқлашда услубий кўрсатмалар ва ечим

вариантлари ҳам ўзига хос шаклда келтирилган.

Кейинги йилларда порфессор М. Адхамов «Илм- маърифат зиёси мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилсин» (2007й.), таҳрир хайъати аъзолигида «Билимларга асосланган янги иқтисодиёт шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш муаммолари» (2007й.), «Солиқ ислохотларини жадаллаштиришда янги таҳрирдаги «Солиқ кодекси»нинг ўрни» (2008й.), «Қишлоқ хўжалиги тармоқлари тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини ошириш» (2009й.), «Мамлакатни модернизациялаш шароитида минтақада табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг дрлзарб муаммолари» (2010й.) каби илмий тўпламларни тайёрлаш, таҳрир этиш ва нашрдан чиқаришда фаоллик кўрсатди. Бу тўпламларда М. Адхамов ўзининг янги ва сермазмун илмий мақолалари билан ҳам иштирок этди.

Фарғона вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази томонидан ташкил этилган «Ёшларнинг инновацион фаоллигини ривожлантириш омиллари» (Фарғона – 2011й.) илмий-амалий анжуманида иқтисодий фанлар йўналиши шўъбасини бошқарди ва мазмунли илмий маърузаси билан чиқди.

Олимнинг Д. Курбонов билан биргаликда яратган «Ҳаёт сабоқлари ёхуд чўққидан назар» («Фарғона» нашриёти – 2011й.) номли ҳужжатли-публицистик очерки диққатга сазовордир. Ушбу асар орқали муаллиф ўзининг публицистика соҳасида ҳам иқтидорини тўла намоеън эта олди. Мазкур китобда Фарғона давлат университети олими, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими Аҳмадали хожи Ғофуровнинг ҳаёт йўли, унинг илмий-ижодий фаолияти, таълим соҳаси ривожига қўшган хиссаси, олим ҳақида устозу-шоғирдлари, яқинлари ва дўстларининг фикр-мулоҳазалари, истиқлол йилларида эришган ҳурмат-эътибори ва илмий-ижодий ўзига хос

публицистик тарзда баён этилган. Китобни варақлар экансиз, Сиз ҳам маълум довондан ошиб ўтганингиздан сўнг ҳаётингизга, фаолиятингизга ўзлик сифатида назар ташлаб, умрингизга шукроналар айтиб, яна ҳаётга муҳаббатингиз ортишига шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. Ушбу китоб ҳақида кўп ва ҳўп гапириш мумкин. Азиз ўқувчи, китобни ўқиб чиқсангиз, ўзингизга керакли фикр-мулоҳазаларни топасиз.

М. Адхамов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси, Фарғона давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган «Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётида кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш ва саноат ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштиришнинг ўрни» мавзусидаги ҳудудий илмий-амалий анжуманида (Фарғона, 2012 йил, 12-13 июн) илмий раҳбар сифатида фаол иштирок этди. Анжуманга келган илмий мақолалар савиясини оширишда, анжуманни олиб боришда, маърузаларнинг илмий салоҳиятини, шунингдек анжуман тўпламини тайёрлашда ўз илмий салоҳиятини намоён қилди.

Нуктадон олим, публицист, жонкуяр мураббий, яхшиликшунос инсон Мамажон Адхамов ҳар жиҳатдан ибратли ҳаёт йўли соҳибидир. Муҳтарам домла ҳали ўзининг илмий ва ижодий салоҳияти билан ҳалқимизга сидқидилдан хизмат қилишда давом этишига шак-шубҳа йўқ.

II БЎЛИМ.

ДИЛДАН ТОМГАН ТИЛАКЛАР

ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

М. Аҳмедов,

Фарғона давлат университети ректори, профессор

Ўтган асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб узок давр мобайнида Фарғона давлат педагогика институти негизида университетнинг ташкилланиши водий аҳли учун орзулигича қолиб келди. Фақат 1991 йилнинг февраль ойидагина, мамлакатимиз мустақилликка эришмасданок мухтарам Юртбошимиз раҳнамолигида ва фармонлари билан Тошкент, Самарқанд ва Нукус давлат университетларидан кейин мамлакатимизда тўртинчи бўлиб Фарғона давлат университети ташкилланди.

Натижада ушбу зиё масканида минтақанинг малакали кадрларга булган эҳтиёжидан келиб чиқиб, халқ таълими билан бир қаторда бошқа соҳалар бўйича ҳам мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу ўринда, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, социология, психология, амалий математика, иқтисодиёт каби қатор йўналишларни таъкидлаш мумкин.

Мухтарам Юртбошимизнинг қарорлари ижросини таъминлаш ва давр талабларидан келиб чиқиб, университетга бошқа ўқув ва илмий даргоҳларида фаолият кўрсатаётган юқори малакали илмий-педагогик кадрлар ишга таклиф этилди. Улар қаторида иқтисод фанлари доктори Мамажон Адхамов ҳам 1992 йилдан ўз илмий-педагогик фаолиятини Фарғона давлат университетида бошлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айни шу пайтда ҳурматли Мамажон Адхамов каби катор профессор-ўқитувчилар корпуси билан мазкур ўқув юртида иктисодиёт йўналиши бўйича малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бошқача ибора билан айтганда, Фарғона давлат университетида иктисодиёт соҳасига зарур бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ташкилланди ва мустаҳкам базаси яратилди.

Мамажон Адхамов ўтган давр мобайнида моҳир педагог, жонқуяр устоз, ўз касбига садоқатли инсон сифатида жамоа орасида ҳурмат ва эътибор қозонди. Кафедра мудири, кафедра профессори лавозимларида фаолият кўрсатиб, университетда таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш, малакали етук кадрлар тайёрлашга муносиб улуш қўшди ва 2001 йилда соҳа бўйича профессор илмий унвонини олди.

М. Адхамов нафақат педагог, балки иктисод фанининг етакчи олимларидан бири сифатида республикамиз ва унинг ташқарисида ҳам яхши танилган. Олим ўзининг тадқиқот ҳамда изланишларини минтақа иктисодиёти муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, иктисодиётда математик усулларни қўллаш, унинг самарадорлигини ошириш, кичик бизнес, тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнат иктисодиёти ва социологияси истиқболлари, иктисодиётда менежмент масалалари каби катор йўналишларда олиб бориб, ҳозирги кунга қадар 10 дан ортиқ ўқув ва ўқув-услубий қўлланма, монография, 50 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган. Польша, Россия ва катор хориж мамлакатларида ўтказилган халқаро анжуманларда бугуннинг долзарб масалалари бўйича маърузалари билан қатнашган.

М. Адхамов илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш борасида ҳам самарали фаолият олиб бориб, 4 нафар тадқиқотчининг номзодлик диссертациясига илмий раҳбарлик, 1 нафар изланувчининг докторлик диссертациясига илмий маслаҳатчилик қилган. Устоздан сабоқ олган юзлаб ёшлар бугунги кунда

мамлакатимизнинг барча минтақаларида самарали фаолият олиб бориб, юртимиз иктисодининг ривожланишига муносиб улуш кўшмоқдалар.

Қутлуг 70 ёшини қаршилаётган мухтарам устознинг ҳаёти, илмий-педагогик фаолияти ёшлар учун катта ибрат ва намуна мактаби бўла олади десак, янглишмаймиз.

Устоз ҳаётидаги энг шукуҳли кунларда у кишига узок умр, мустаҳкам саломатлик, Ватанимиз равнаки йўлидаги фаолиятида улкан зафарлар тилаб қоламан.

ЯХШИЛИККА ИНТИЛГАН ИНСОН

С.С. Гуломов,

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси статистика ходимлари малакасини ошириш маркази кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги

Ободлик кўнгиладан бошланади, дейдилар. Кўнгилнинг ободлиги ҳар бир инсон калби, дунёқараши, тафаккури ва одамлар билан муносабатларига боғлиқдир. Кўнгил обод бўлса – оила ва жамият обод бўлади, юрт фаровонликка юз тутади. Мамлакатимиз қисқа муддат ичида одамларимизнинг кўнгил ободлиги туфайли катта зафарларга эришмоқда.

Ўзаро уйғун, бир-бирини тўлдирадиган обод турмуш, обод юрт тушунчаларининг бир муҳим жихати одамлар калбининг ободлигидир. Ободликнинг бу жихати унинг яратувчилари – инсонлар хатти-ҳаракатига боғлиқдир. Юксак маънавийтли инсон фаолиятида нафақат ўз калб ободлигига, балки турмуш ва юрт ободлиги учун ҳам интилади. Шундай одамлар борлигидан ва уларнинг меҳнатлари туфайли юртимиз кундан-кунга обод бўлиб бормоқда. Худди шундай оли-

жаноб, ободлик учун курашаётган инсонлар орасида профессор Мамажон Адхамовнинг борлиги дилларга шукух бахш этади.

Инсон умр пиллапояларидан дадил кўтарилиб, ҳаётнинг жиддий ҳамда масъулиятли даврларидан ўтиб, «улуғ бир ёшга» етиб колганини билмай ҳам қолади. Бундай одимлаш ҳар кимнинг тақдири азалида бор нарса. Лекин «умри азиз»нинг саҳифаларини варақлаб, сарҳисоб қиладиган вақт етиб келгач, «Мен халқим учун, қолаверса, ўзим, оилам ва яқинларим учун нималар қила олдим, нималарга эришдим?» деган саволлар дафъатан кўнглингиздан кечиб, ширин ўйлар оғушида коласиз. Яна тезроқ нималар биландир шуғулланишга, амалга оширилмаган ниятларни рўёбга чикаришга шошиласиз. Аслида, шу каби ширин ташвишлар билан яшаш чинакам БАХТ эмасми? Шундай бахтли инсонлардар бири, шубҳасиз, Мамажон Адхамовдир.

Умрнинг «кутлуғ етмиш ёш» деган мўътабар ва улуғвор «кошоно»сига қайдам кўйган устоз Мамажон Адхамовнинг «библиографик кўрсаткич»ларига эътиборимизни қаратсак, бизни шундай хис-туйғулар қамраб олади. Тинимсиз ижод онлари, беором меҳнат йиллари, нурли истикболга интилиш сониялари шу сатрларни ўқиган кишининг дилини яйратиб юборади.

Мамажон ака илм оламига кириб келаркан, олий ўқув юртида таълим ва тарбия бериш билан тадқиқотчиликни баробар олиб бориш йўлини тутди. Бўлғувчи хўжалик юритиш мутахассисларига сабоқ берганига ҳам мана қирқ йилдан ошибди. Бу йиллар давомида қанчадан-қанча йигит ва қизлар домланинг ўзига хос сабоқларидан баҳра олдилар. Унинг раҳбарлигида тўртта фан номзоди ва битта фан доктори етишиб чиқди-ки, улар ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатмоқдалар. Мамажон аканинг ўзи ёш, навқирон ўқитувчиликдан профессорлик даражасига, устозларнинг устози мақомига кўтарилди.

Илмнинг катта-кичиги бўлмайди. Шундай экан, илм дунёсига кириб келган ёш тадқиқотчи, ишни аввало мўъжаз илмий мақолалар ёзишдан бошлайди, сўнг бора-бора катта, салоҳиятли ижод намуналари рўёбга чиқади. Бундай машаққатли йўл Мамажон Адҳамов фаолиятига ҳам хосдир. «Библиографик кўрсаткичлар» саҳифаларида келтирилган ижод намуналари бунинг исботини кўрсатиб турибди.

Олимнинг илмий, ўқув ва услубий йўналишларига эътибор қаратсак – иктисодиётда математик усуллар ва унинг самарадорлиги, минтақа иктисодиёти муаммолари ва уларни ҳал этиш йўл-йўриқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлиги, меҳнат иктисодиёти ва социологияси муаммолари ва истиқболли самарадорлиги, инновацион фаолият муаммолари ва самарадорлиги омиллари каби кенг қамровли долзарб муаммолар ечимларини излаш билан банд эканлигининг гувоҳи бўламиз. Домла Польша, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этганлар.

Мамажон Адҳамжон ўғли билан профессор Мадаминбек Ирматов (охиратлари обод бўлсин) ораларидаги устоз-шогирдлик, кадрдонлик узок йиллар давом этди. Мамажон ака устоз Мадаминбек ака ҳақида алоҳида меҳр билан, тўлиб-тошиб гапиради. Устоз ва шогирднинг биргаликда ёзилган «Методология разработки комплекса многоуровневых эконометрических моделей развития Республики Узбекистан» рисоласи бунинг ёркин мисоли. Ушбу препринт шаклидаги ишда оптималлик элементлари орқали минтақа иктисодиётини ривожлантиришнинг эконометрик моделларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш концепцияси илмий тилда баён этилган. Бундай эконометрик моделлар айни пайтда янги билимларга асосланган иктисодиётда замонавий восита сифатида қўлланилиши диққатга сазавордир.

Профессор Мамажон Адҳамов илмий маҳорати то-

бора юксалиб бораётганини амалда исботлаб келмоқда. Иқтисодиёт ривожига ўзининг камтарона меҳнатлари билан хисса қўшиб келаётган домла бошка илм аҳли сингари доимо ҳозиржавоб, ҳар бир кишига дўст, маслаҳатгўй, ҳамиша ўз устида тинмай ишлайдиган, эъзозланишга муносиб олимдир. У табаррук ёшини битмас-туганмас ғайрат, ўз ватани ва халқига бўлган жўшқин меҳр билан қарши олаётганидан бизлар ҳам ғоят хурсандмиз.

Умрингиз бунданда сербарака бўлсин, Мамажон Адхамов!

ИҚТИСОДЧИ-МАТЕМАТИК ОЛИМ

А. Ғофуров,

Фаргона давлат университети профессори, иқтисод фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Маълумки, ҳар бир инсоннинг азалий ва энг эзгу нияти фарзандли бўлиш билан бирга, яшаб турган жамиятига баҳоли қудрат сидқидилдан хизмат қилиш, ўз ҳаётий фаолиятини узлуксиз давом эттириш экан, у албатта ота-онаси ва устозлари томонидан унга берилган манба (жисму-жон ва илму-хунар)лардан самарали фойдаланади. Ҳаётда бунга муқобил бўлган яна бир муҳим ҳақиқат ва қадрият борки, у ҳам бўлса, ҳар бир касб-илм эгасининг шогирдларига ўз фарзандларидек муносабатда бўлишидир. Мана шу умрибокий қадриятга сдоқат кўрсатиб келаётган инсон-иқтисод фанлари доктори, професор Мамажон Адхамов ўзининг серунум илмий-педагогик фаолияти давомида республикаимиз илм-фанининг ривожига ва юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тарбиялашга салмоқли улуш қўшиб келмоқда.

Ёшларни маънан бой, жисмонан соғлом, иқтисодий

жихатдан билимдон, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга давлат даражасида эътибор берилётган ҳозирги кунда устоз Мамажон Адҳамов мўътабар мураббий ва илмий раҳбар сифатида узлуксиз меҳнат қилаётир. У бутун ақлий ва жисмоний салоҳиятини Ватанимиз, халқимиз ва эл-юрт манфаатига бағишлаб келмоқда. Ҳаётдаги аниқ мавқеини белгилаб олган ва онгли равишда бу мавқеида қойим-муқим туриб, таълим йўлида бораётган кишигина шундай қатъият билан ҳаракат қилади. Мамажон Адҳамов ҳеч қачон пешволикка интилган эмас. У билимли одамларга, ёшлар ва талабаларга таяниб, олға интилади. Талант ва иқтидор эгалари унутмасликлари лозимки, уларнинг иқтидорлари фақат ўзларининг хусусий мулки эмас, балки улар мансуб бўлган халқнинг, бутун инсониятнинг бойлигидир. Шунинг учун табиат ато этган бу неъматни юзага чиқармок, тўлалигича унинг эгаси бўлмиш эл-юртга, ёшларга қайтармок лозим.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётгани сабабли реал иқтисодиётнинг турли соҳаларида юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораётганини профессор М. Адҳамов чуқур ҳис этади. У мамлакатимиз келажагининг қандай бўлишини белгиловчи ижтимоий қатлам саналган ёшларнинг иқтидорли ва билимдон инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида ўз масъулиятини, педагогик бурчини тўлиқ англаган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Мамажон Адҳамов Фарғона давлат университетида иқтисодиёт факультети очилиши муносабати билан иқтисодиёт кафедрасига юқори малакали педагог, фан доктори сифатида ишга таклиф этилди. Шу олий даргоҳда, мана 21 йилдирки, кафедра мудири, профессор лавозимларида фидокорона фаолият кўрсатиб келмоқда. У Ўзбекистон пахта саноатини ривожлантиришнинг математик модели ва истикболлари, ишлаб чиқаришда истеъмол ва аҳоли да-

ромадлари алоқадорлигининг самарадорлиги муаммолари, режалаштиришда математик моделларнинг қўлланилиши, иктисодиётда математик усуллар ва уларнинг самарадорлиги, меҳнат иктисодиёти ва социологияси муаммолари ва истикболлари, инновацион фаолият муаммолари ва самарадорлиги омиллари, иктисодиётда менежмент масалалари ва уларни ҳал этиш усуллари каби кенг қамровли тадқиқот ишларини олиб бормокда.

Иктисодчи – математик олим М. Адҳамов ўз тадқиқотлари ва изланишлари ҳамда кўп йиллик ҳаётий тажрибаларига асосланиб, шундай фикр билдиради: «Иктисодиёт математика билан чамбарчас боғлиқдир. Иктисодиёт тармоқлар ва соҳалар ўртасидаги ўзаро мутаносиблик ва мувозанатлилик характеридаги ҳаракатлар ва муносабатлар бевосита мамлакат халқ хўжаликлари ва жаҳон мамлакатлари билан олиб бориладиган халқаро муносабатларни илмий ва амалий ўрганиш ва муаммоларни математик тадқиқ усулида таҳлил этиш, муаммолар ечимини топишни ўзлаштириш мақсадининг маҳсулидир». Мамажон Адҳамов томонидан 7 та ўқув қўлланма, 5 та монография, 3 та ўқув – услубий қўлланма ҳамда 50 дан ортиқ илмий, услубий ва оммабоп мақолалар нашр этилди. Европа Иттифоқининг таълимга кўмаклашувчи халқаро TESIS ва USAID грантлари (1997-2003 йиллар) соҳиби бўлди. Бир неча марта Республика ва хорижий мамлакатлар (Қирғизистон Республикаси) да давлат аттестацияси комиссияси аъзоси сифатида олий ўқув юртларини аттестациядан ўтказишда қатнашди, 4 та фан номзодларига илмий раҳбарлик ва 1 та фан доктори диссертациясига илмий маслаҳатчилик қилди.

Муҳтарам ҳамкасбимизга ҳаётининг ана шу қутлуғ кунларида ижоддан, илмий изланишлардан, меҳнатдан чарчамасликни, халқимиз ва шогирдлари бахтига соғ-саломат бўлишини тилаб қоламиз.

Т. Шадиев,

Тошкент Халқаро Вестминстер университети ҳузуридаги ЮНЕСКОнинг «Билимлар иқтисодиёти» кафедраси мудири иқтисод фанлари доктори, профессор

Севимли адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг «Инсоннинг баҳоси бу дунёда ўзи олгани билан эмас, ўзидан қолгани билан баҳоланади» деган фикри ҳаётимиз мобайнида қилган ва қилмокчи бўлган ишларимиз натижасини баҳолашда муҳим ўрин тутди. Айниқса, инсоннинг умр дафтарини сарҳисоб қилиш, юртига, ватанига, халқига хизматини баҳолашда бу мезонни қўллаш мақсадга мувофиқ келади.

Фарғона давлат университетининг «Иқтисодиёт» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори Мамажон Адхамовнинг 70 ёшлик умр дафтарини сарҳисоб қиладиган бўлсак, бу киши акли юрагига, юраги аклига қулоқ соладиган, бошингда қуёш ярақлаб турганида изингдан қувмайдиган, аммо булут қоплаганда ёнингдан қочмайдиган ҳақиқий дўст, донишманд олим ҳисобланади. У ёшлар учун сеvimли мураббий, яхши оила намунасини ифода этувчи ота, ватан ташвиши, ободончилигини ўйлайдиган, жамият манфаатини ўз манфаатидан юқори қўядиган шахсдир. Бу гапларимни тасдиқлаш учун Мамажон Адхамов ҳаётига оид айрим далилларни келтиришни лозим топдим.

М. Адхамовнинг болалик, ёшлик йиллари иккинчи жаҳон уруши даврига ва ундан кейинги оғир йилларга тўғри келди. Аммо ҳаёт қийинчиликлари Мамажоннинг мактабда мактовга лойик хулқи билан устозлари меҳрини қозонишига, дарсларни пухта ўзлаштиришига, мукамал билим олишига ҳалақит беролмади. Айниқса, математика ва ижтимоий фанларга кизиқиши уни Тошкент шаҳрига етаклаб келди. Ўтган

асрнинг 70-йилларидаги илмий педагогик фаолияти катта ҳаёт синовидан ўтишида, йирик иқтисодчи-математик олим бўлишида унга катта ёрдам берди. 1971-1975 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтининг (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) аспирантурасида ўқиди ва фан номзоди илмий даражасига сазовор бўлди. Мен М. Адхамов билан 1975 йилдан то 1978 йилгача институтнинг иқтисодий кибернетика кафедрасида биргаликда ишладим ва бу инсоннинг яхши хислатларини кашф этдим. М. Адхамов билимга ташналиги, изланувчанлиги ва ижодга ўчлиги, фан оламининг заҳматларини ҳис этиши билан ажралиб турарди. У ўзини энди шаклланиб келаётган – эконометрика фанига бахшида қилган эди. Маълумки, фан оламида интеграция, яъни фанларнинг бир-бири билан «чатишиш» жараёни юз берса, унга карама-қарши жараён фанларнинг дифференциациялашуви, янги фанлар пайдо бўлиши ҳукм суради. Эконометрика иқтисодиётдаги мураккаб жараёнларни математик усуллар ва моделлар ёрдамида таҳлил қилиш, синтезлаш ва муқобил қарорлар қабул қилишга дахлдор фандир.

Табиат қонуниятидан маълумки, дурагай турлар яшовчан ва бақувват бўлади. Бунга мисол сифатида рус олими Иван Мичурин томонидан Волга бўйидаги яхши, қизил, аммо совуқка чидамсиз олма билан Уссурия ўлкасидаги серҳосил, нордон, бироқ совуқка чидамли олма турини чатиштириш натижасида серҳосил, совуқка чидамли олманинг янги нави яратилганини келтириш мумкин. Худди шунингдек, эконометрика фани иқтисодиёт назарияси, математика, математик статистика фанларининг «чатиштирилиши» натижасида вужудга келган. Бу фанни ўрганиш, унинг чўққисига чиқиш инсондан кенг дунёқарашни, юксак маънавият ва маърифатни, соҳага оид чуқур профессионал билимга эга бўлишни, мустаҳкам эътиқодни, амалиётни, ўта юксак мантикий қобилиятни талаб этади. Ана шундай фазилатларга эга М. Адхамов эконометрика ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини

1992 йилда мувафакқиятли ҳимоя қилиб, иқтисод соҳасида фан доктори илмий даражасига, кейинчалик профессор унвонига сазовор бўлди.

Олимнинг ёшлар учун намуна бўладиган юксак хислатларидан бири унинг тўхтовсиз, тинимсиз янгиликларга интилиши, инновацияларга ўчлигидир. Бу хислат ёшларнинг сеvimли мураббийси, бакалавр ва магистрларнинг устози бўлишига хизмат қилмоқда. Олимнинг «Меҳнат иқтисодиёти», «Бизнес-режа», «Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар» фанлари бўйича чоп этилган дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари, монографиялари фикримизнинг исботидир. М. Адҳамов Фарғона давлат университети билан бир каторда қўшни Қирғизистон университетларида ҳам энг яхши педагог ва устоз деб тан олинган. Чунки устоз таълим жараёнларида интерактив усуллар, ахборот коммуникация технологиялари, янги педагогик технологияларни кенг қўллади.

М. Адҳамов қаламига мансуб 50 дан ортиқ илмий мақолаларнинг хорижий мамлакатларда ва юртимиз ойномаларида чоп этилиши мамлакат обрўсини кўтаришда, юртимиздаги янгиланиш, демократик ва иқтисодий соҳалардаги ижобий ютуқлар, янги уфқларни ёритиш жиҳатидан муҳим аҳамиятга эгадир. Бу унинг халқаро миқёсда ҳам танилган олим эканлигини кўрсатувчи далилдир. Айниқса, олим Европа Иттифоқининг TACIS ва АҚШнинг USAID дастурларининг икки марта ғолиби бўлиши, Ўзбекистонда қабул қилинган ва мувафакқиятли амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ютуқларини жаҳонга андоза сифатида ёритиши олимга халқаро миқёсда обрў келтирмоқда.

М. Адҳамов дили билан тили бир шахс. Илмий-педагогик фаолиятидаги асосий мезон – сифат кўрсаткичидир. Айниқса иқтисодчи кадрлар юксак даражадаги мутахассис бўлиши керак, дейди Мамажон. У кишининг таъбири бўйича, чаласавод иқтисодчилар гўёки реал иқтисод тагига қўйилган секин портлайдиган минадир. Шу туфайли иқтисодчи кадрлар

иктисодиётни тезкор ва муттасил ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. М. Адҳамов айтганидек, деҳқоннинг хатоси бир йилда билинса, илмий-педагогларнинг хатоси бир неча йилда билинади. Шунинг учун шогирд тайёрлашда сифат кўрсаткичи ўта муҳимдир. Бунга амал қилган олим минглаб иқтисодчи бакалавр ва магистрларни тайёрлаб, эл-юртга астойдил хизмат қилмоқда. Олимнинг камтарлиги ва донишмандлиги туфайли унинг иш кабинети доимо талабалар гавжум.

Олимларнинг тадқиқот натижаларига кўра, «инсон мияси – тананинг вазнидан ўртача уч фоизини эгалласа, танадаги саксон фоиз энергияни истеъмол қилар экан». Шунингдек, инсон танасидаги энг чарчамайдиган аъзо унинг мияси ҳисобланар экан. Бизнингча, инсоннинг узок умр кўриш омилларидан бири ана шу тана аъзосидан самарали фойдаланишидир. Буни яхши англаган донишманд олим М. Адҳамов, гарчанд маълум даврларни босиб ўтаётганига карамай, илмий-педагогик фаолиятини тўхтовсиз давом эттирмоқда.

КЎПНИНГ КЎНГЛИДАН ЖОЙ ОЛИБ

Абдуҳалим Раҳимжонов,

Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Қирғизистон Республикаси Гематология институти директори, Қирғизистон фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик

Инсон улуғ ёшга етгач, ортга назар ташлаб, умрини сарҳисоб қилиб, «Тўғри яшадимми, ҳаётда нималарга эришдим у нималарни бой бердим, бунинг сабаблари нималарда?», «Оила, фарзандларим олдидаги оталик бурчимни қандай адо этдим?», «Ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғларга муносабатим қандай бўлди, уларнинг ишончи ва меҳрини қозона олдимми?», «Ҳаётда ва меҳнат фаолиятимда, инсонлар билан мулоқотда қандай из қолдирдим?», «Жамиятнинг ривожланишига ўз ҳиссамни қўша олдимми?», «Дўстларим, шогирдларим ва устозларимни беҳосдан ранжитиб қўймадимми?» деб ўзидан ўзи сўраши табиий.

Вақт ғанимат, умр ўткинчи, кўз очиб юмгунча ойлар ўрнини йиллар, йиллар ўрнини асрлар эгаллайди. Инсон ҳаёти тегирмоннинг чархпалагига ўхшайди: гоҳ оҳиста, гоҳ шитоб билан айланаверади. Ана шу ғанимат дамларда кўпчилик ўзидан яхши ном, авлодларги мактов бўлгулик сабоқ, асрларга татиғулик из қолдиради.

Биз ибрат сифатида келтирмоқчи бўлган инсон, бегубор қалб эгаси, ёзининг қандай келишини баҳордан биладиган салоҳиятли олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Адхамов Мамажон Адхамовичдир. Бу улуғ инсон билан илк бор биз қўшни давлатда учрашган эдик. У олий ўқув юртида ишлар экан. Тўйда учрашиб қолиб танишдик. Ана шундай суҳбатлар давомида устознинг накадар самимий, дилкаш, доно ва камтарин эканликларига амин бўлганман. Бу инсон-

нинг олимлик истеъдодидан ташқари ҳалол-поклиги, камтаринлиги, бағрикенглиги ҳам мени ҳайратга солган. Бошқалар билан суҳбат курганимдан кейин устоз ҳақида янада кўпроқ тасаввурга эга бўлдим. Мамажон Адхамович одамларни яхши ва ёмонга ажратишни билмайдиган, кишиларга ҳамиша яхшиликни раво кўрадиган бағри бутун ва имон-этиқодда собит инсон экан. Устоз Мамажон Адхамович билан танишганимдан ва ундан кейинги учрашувлардан қуйидаги хулосага келдим: эҳтимол дунёнинг гўзаллиги шундай инсонларнинг орамизда яшаб юрганидандир.

Мен содда, камсуқум, босиқ-вазмин одамларга кўпроқ ҳурмат билан қарайман. Сабаби улар кибр-хаво ва манманликдан холи, бегубор калбида диёнат, иймон, комиллик каби нозик туйғулар анчайин устувор бўлади. Билишимча, у кишидан фақат меҳнатни сўранг деб айтишади. Диллари яйраб ишламаган кишиларни ҳисобга қўшмайдилар. Нима топган бўлсалар меҳнатдан топганлар. Ўзлари эмас, ўзгалар яхшироқ яшаса хурсанд бўладилар. Бойми-гадоми, етим-есирми, барчага баробар муносабатда бўлишга одатланганлар. Иккинчи жиҳатлари – бу ижод, инновацияга итилиш. Бундай кишиларни бошларига кўтариб, иззат-икромларини жойларига қўядилар.

Мамажон Адхамович иқтисодчи олим. Бу унинг биринчи касби холос. У кишининг иккинчи касбларини ҳам билдим – бу одамларга яхшилик қилиш, муҳтож одамга қўлидан келган ёрдамни аямаслик, савобталаблик. Адхамов билан бир марта учрашган одам кадрдонлашиб қолади. Бу зот очик кўнгиллилиги, сахийлиги, энг муҳими, бағри кенглиги билан ўзгаларни ром этади. Кўпчиликнинг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик одамлар шундай бўладилар!

Кадрдон дўстим Мамажон Адхамов табаррук 70 ёшга кирди. Бу босқич инсоннинг айни кучга тўлган, етарли даражада тажриба орттирган, нафақат ёшларга, балки дўстларига ҳам билим ва тажрибаси, ҳаётий ўғитлари билан намуна бўла

оладиган давридир. Дўстим, ишончим комилки, сиз бундан кейин ҳам узок йиллар давомида фидокорона ва сермахсул меҳнатингиз билан ёш авлодни тарбиялаш ва илм-фанни ривожлантириш орқали Ўзбекистоннинг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссангизни қўшасиз.

Мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик ва оилавий бахт Сизнинг доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Ганижон Шодмонов,

Тошкент Давлат техника университети авиация факультетининг «Амалий математика» кафедраси профессори, «Шухрат» медали соҳиби

Инсоннинг ҳаётида ошна-оғайнилари, жигарлари, кариндош-уруғларию, ёру-дўстларининг ўз ўринлари бўлади. Дўстлар канча куп бўлса, шунча яхши. Аммо, мен сенинг дўстингман, дейдиган ҳар бир инсон ҳам том маънодаги кадрдон-дўст бўлавермайди.

Менинг фахрланадиган ва ғурурланадиган дўстларим анчагина. Агар мендан, Сиз учун улардан қайси бири энг ардоқлиси деб сўрасангиз, мен ҳеч ҳам иккиланмасдан, ғурур билан, Мамажон (Муҳаммаджон) дўстим, деб айта оламан. Бизнинг дўстлик ришталаримизнинг боғланиши ўтган асрнинг 60-йиллари, кўхна ва ҳамиша навкирон Самарқанд шаҳрида кечган талабалик даврларига бориб такалади. Ундан кейин бизни тақдир яна пойтахти азим Тошкент шаҳрида оилаларимиз билан анча йиллар ёнма-ён кўшни бўлиб яшашдек бахтга муяссар этди. Ўша йиллари дўстим собиқ Тошкент халқ хўжалиги институтида, мен эса собиқ Тошкент политехника институтида фаолият олиб бориш билан бир-

галикда кўпгина ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида ёрдамларимизни аямадик. Бу борада дўстимнинг хизматлари ўта бекиёсдир. Шу боисдан Сирдарё, Жиззах, Самарқанд томонлардан келган ёшлар Мамажон дўстимни Фарғонадан кўра, ўзларининг вилоятларидан деб қабул қилишар эди. Сўзимнинг исботи учун бир воқеани эслайман. Докторлик диссертацияси ҳимояси муносабати билан уюштирилган мўъжазгина дастурхон атрофида пофессор Мадаминжон Ирматовнинг дўстимга қарата, «Мамажон, Сиз ўзи асли Фарғоналикмисиз ёки Жиззах томонларданмисиз?» деган гаплари ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди.

Мана ҳозир дўстим ўзи туғилиб вояга етган гўзал Фарғонадаги дорилфунунда фаолиятларини давом эттириб келаяптилар. Гарчи, Тошкент билан Фарғона орасидаги масофа сезиларли даражада бўлса ҳам, бирор кун йўқки, мулокотда бўлмасак. Бундан ярим асрдан ортиқ вақт муқаддам боғланган дўстлик ришталаримиз яна кўп йиллар, умрбод давом этади деган умиддаман.

Фурсатдан фойдаланиб, дўстим Мамажонга, мухтарам рафиқалари Сабоҳатой билан биргаликда кўп йиллар мобайнида барча эзгуликларнинг шоҳиди бўлиб юришларини тилайман.

Султонали Маннопов,

Ўзбекистон халқ артисти, профессор

Инсон ўтган йилларини кўз олдига келтирганда, сержило, унутилмас воқеалар бирма-бир намоён бўлаверади. Яхшиликка, одамийликка йўғрилган лаҳзалари уни ажиб ҳистуйғулар оғушига чорлайди.

Бутун борлиғини факат яхшилик улашиш, ёш авлод тарбияси, оиласининг бахт-саодати ва фаровонлиги, фарзанд ва набиралар камолига бағишлаган Мамажон Адхамов ана шундай камтарин, фидойи инсонлар сарасига киради. Мамажон ака кўз ўнгимда бугунги куннинг долзарб йўналиши саналган иқтисодиёт масалалари бўйича изланувчи, меҳнаткаш, ўз фикрини эркин айта оладиган, республикамизда ўз ўрнига эга, халқимиз ва илм аҳли томонидан тан олинган олим сифатида гаудаланади. Мен Мамажон аканинг иқтисодиёт фани бўйича олиб бораётган илмий фаолиятига, эришган ютуқларига баҳо беришга ожизман. Бу ҳақда иқтисодчи олимларимиз етарлича фикр билдиришар. Мен унинг иккинчи кирраси-тафаккур ва ижод гулшанига сайр қилмоқчиман.

Улуғ олиму алломалар, қайси фан билан шуғулланмасинлар, албатта бадий ижодга қалблари мойил бўлади. Бундай хислатлардан Мамажон ака ҳам холи эмас. Унинг илҳом мавжлари ўзининг катраларида, улуғ бобокалонларимиз ижодларига мурожаат қилган ҳолда юзага келган дилни ром этувчи сатрларида, инсон ҳаётининг сирасрорларини теран англаган ҳолда фикр юритган фалсафий мушоҳадаларида ёрқин намоён бўлади.

Мамажон ака ўз ижод намуналарида инсон зотини кўкларга кўтаради, унинг накадар бой имкониятлар соҳиби эканлиги, Оллоҳ берган иноятдан баҳраманд бўлишлик

қанчалик бахт эканлиги хақида фикр юритади. Унинг бу фикрлари куйидаги мисраларда ёрқин намоён бўлади:

Шу дунёнинг кўркидир одам деган зот,
Шу дунёнинг мулкидир инсон деган зот.
Одамийлик шаънини кўтаргин баланд,
Заковатинг-ла эт дунёни обод.

Дилни ром этадиган сатрларида улуг алломаларнинг машхур катраларига мурожаат қилади ва ҳаётида уларга тўла амал қилади. Масалан,

Саъдий Шерозийнинг:

«Ёмон ҳам ўтар, яхши бил,
Сени яхши ном бирла ёд этсин эл»,

Абдурахмон Жомийнинг:

«Димоғингни кўтарма, бўлмайин десанг оёқ ости,
Қамиш кеккайгани учун бўйра бўлди-ю, ҳамма бости»,

Хазрат Навоийнинг:

«Кимки бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, қаъба вайрон бўлса, обод айлагай»
каби сатрлари унинг доимий шиорлари бўлиб қолган.

Ҳа, Мамажон акани тафаккур гулшанининг ҳақиқий боғбони десак янглишмаймиз. Ана шу гулшандаги гўзаллик, нафосат, гуллар чиройи уни бир умр тарк этмаслигини истаб қоламан.

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ СОҲИБИ

Абдусалим Болтабоев,

Фаргона давлат университети молия ва иқтисод ишлари бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Ҳар ким ҳам ўзидан яхши ном ва яхши ишлар қолдиришни истайди, бироқ бу ниятга эришиш барчага ҳам nasib этмайди. Унга етишиш меҳнатсеварлик, ҳаракатчанлик ва мурувватпешалик, одамлар билан тотув-иноқлик, атроф-муҳитга синчковлик билан қараш каби хислатларни талаб этади. Устоз М. Адҳамов ана шундай фазилатларга эгаллиги сабабли олдига қўйган эзгу мақсадларига эришган инсонлардан бирidir.

Ёшлиқдан илмга, янгиликка интиланлиги, бу йўлдаги машаққатли ва тинимсиз меҳнати устознинг бугун жамиятда, эл-юрт олдига ўз ўрнига эга бўлган илм соҳиби, жамиятнинг энг зарур кишиси, маънавий етук ва тафаккури юкори шахс бўлиб етишишига олиб келди.

Домланинг илмий тафаккуридан баҳраманд бўлиш, гулу-чечакларга тўла илм сўқмоқларидан юриш, унинг шоғирдлари қаторига кириб, иқтисодиёт оламида ўз ўрнимни топиш кўнглим тубида асраган орзуларимдан бири эди. Илм заҳматларини қандай енгиб ўтиш, мақсад сари интилиш, илмий изланишларни олиб бориш йўл-йўриқларини кўрсатган устозим – профессор Мамажон Адҳамовдан бир умр миннатдорман. Шубҳасиз, йиллар силсиласида товланиб шу даражага етишимда у кишининг меҳнатлари зое кетмаганидан фахрланаман.

Домла нафақат иқтисодиёт йўналишида илмий-тадқиқотлар олиб борди, шунингдек, адабиёт, фалсафа соҳасида ҳам ўз изланишларини давом эттирди, бу унинг кенг қамровли шахс эканлигидан далолат беради.

Устозни қутлуғ 70 ёши билан ўзим ва оила аъзоларим номидан самимий табриқлайман. Илм-фан ривожини учун

бағишланган умр, бу йўлда қилинган меҳнатлар асло зое кетмаслиги, унинг мукофоти сифатида эл-юртнинг ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлиш кўпчилик инсонлар эриша олмайдиган мақсаддир. Сизни ана шундай улуғ мақсадларни амалга оширишга мушарраф бўлган бахтли инсон сифатида биламан ва кадрлайман.

Ўқитувчининг кадр-киммати, ҳурматини оширадиган белгиларга ўқув машғулотларининг самарадорлигидан ташқари яратган ва яратаётган илмий ишларининг киммати ва жонқуяр мураббийлик хислати ҳам киради. Таҳлилларнинг кўрсатишича, яхши илмий асарлар яратган олимгина моҳир педагог бўла олади, жонқуярлиги эса меҳрибон устоз бўлишига йўл очади. Биз М. Адхамовни ана шундай инсон деб биламиз.

Мен ва барча ҳамкасблар устознинг ишга масъулият билан ёндошиш, фидойилик, камтарлик, шогирдлари ва дўстларига нисбатан самимийлик ҳамда талабаларга меҳрибонлик хислатларини юксак кадрлаймиз.

МУҲТАРАМ УСТОЗ! Сизга яратгандан соғлик-саломатлик, тинчлик-осойишталик, хотиржамлик, узоқ умр, оилангизга қут-барака, машаққатли илм ва устозлик йўлида бардош, катта муваффақиятлар тилаб қоламан.

ИККИ ФАН ОЛИМИ

Акмалжон Ҳринов,

*Фаргон давлат университети
иқтисодиёт кафедраси мудири,
иқтисод фанлари номзоди*

Инсониятнинг пайдо бўлиш тарихига назар солсак, «инсоннинг яшаши учун кураш», «яхши яшаш учун интилиш», «у ёки бу мулкка эгалик қилиш», «мавжуд мулкни кўпайтириш» каби тушунчалар ҳаракатлантирувчи омиллар бўлиб келганини англаймиз. Булар энг содда иқтисодий тушунчалар бўлиб, улар кейинчалик ҳам жамият ривожига асосий ҳал қилувчи омиллигини сақлаб қолган. Бундай омиллар нафакат инсоният пайдо бўлиши ёки жамият ривожига учун хизмат қилган, балки инсон (жамият) манфаати учун хизмат қиладиган фанларнинг дастлабкиси, шунингдек математика фанининг ривожига тўртки бўлган. Натижада ушбу фан дастлабки эҳтиёжлар зарур бўлган санаш, ўлчаш, таққослаш, кўпайтириш каби жараёнларни шакллантириб борган. Шунингдек назардан қаралганда, математик тушунча ва жараёнлар инсон эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ бўлган иқтисодиёт фанининг ривожланишига асос бўлган.

Инсоният цивилизациясининг жамият ривожланиши йўналишлари кенгайиб, таракқиёт суръати жадаллашган ҳозирги даврида математика фани иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим воситалардан бирига айланди, лўнда қилиб айтганда, ҳозирги иқтисодий қонуниятларни ўрганишни математикасиз тасаввур этиш амри-маҳол.

Устоз, иқтисод фанлари доктори, профессор Мамажон Адхамов илмга кириб келаётганида, юқорида санаб ўтилган фикрларни ўз илмий йўли учун асос қилиб олган бўлса ажаб эмас. Чунки у дастлаб математика илмини эгаллаган. Унинг бу фанга кизиқиши иқтисодиётга математик тафаккурни олиб

киришни тақозо этади. Олим математика фанига назарий фан сифатида эмас, балки амалий фан сифатида ёндошди ва уни иқтисодий масалаларни ҳал этишга тадбиқ қилди. Турли иқтисодий муносабатларнинг математик моделларини курди ва бу моделлар ёрдамида иқтисодиёт фани ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган амалий натижалар ҳамда иқтисодий хулосалар келтириб чиқарди. Бундай изланишларнинг натижаси ўлароқ устоз «иқтисод фанлари доктори» илмий даражасига ва шу фан бўйича профессорлик унвонига эга бўлди.

Устоз М. Адҳамов икки фан – математика ва иқтисодиёт фанларини билувчи, уларни бирлаштира олган олим сифатида аниқ ҳамда нозик принципларга таянувчи инсондир. Мен профессор М. Адҳамовни талабалик пайтимдан, ўқитувчилигим, кафедрада бирга ишлаш жараёнида кузатишларим натижасида юқоридаги фикрларга келдим.

У кишининг айтишича, илм – бу ҳаётдир, илм ўрганиш учун инсон доим ҳаракатда бўлиши лозим. Бу шиорларга амал қилувчи профессор М. Адҳамов бир қанча ўқув адабиётларининг муаллифи, фан номзодларининг илмий раҳбари, фан докторларининг илмий маслаҳатчиси ва кўплаб диссертацияларнинг ҳимояси бўйича оппонент (тақризчи) сифатида иқтисодчи олимлар орасида катта обрўга эга бўлган. У киши билан бир жамоада ва бир кафедрада ишлаётганимдан фахрланаман.

Устоз ҳозирги кунда айни илм булоғидан бошқаларни баҳраманд этиш даврида бўлиб, унга ижодий баркамоллик, узок умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман. Бизнинг мустаҳкам таянчларимиздан бўлиб қолишига ишонаман.

Рўзивой хожи Каримжон ўгли,

*Фаргона тумани Аввал қишлоқ фуқаролар йиғини
маҳалла оқсоқоли*

«Бўладиган бола бошидан маълум» деган ақидада маъно кўп. Барча болалар ёшлиқларидан бирор хатти-ҳаракатга дадил интисалар-да, шулардан айримлари ўз тенгдошлари орасида «ярқ» этиб ажралиб туради. Кичик Мамажон ҳам мактабда ўқиб юрганидаёқ интилувчанлиги, илмга иштиёқи баландлиги, меҳнатдан чарчамаслиги билан кўзга ташланиб турарди.

Ўрта мактабни битириш арафасида жонажон дўсти Худойберди билан фикрни бир жойга қўйишиб, Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги Самарканд давлат университети) га ўқишга боришга аҳд қилганлари тўғрисидаги гап қулоғимга чалиниб қолди. Ҳали у пайтларда бизнинг Аввал қишлоғимиздан биронта бола бу олий даргоҳга ўқишга бормаган, айримлар ҳатто шундай нуфузли олийгоҳ борлигидан беҳабар эдилар. Мамажондан аста сўрасам, «Ҳам дўстим, ҳам уқангиз Худойберди билан шу олийгоҳнинг математика факультетига ўқишга киришга аҳд қилдик, қароримиз қатъий», деди. Бу фикр мени жуда қувонтирди. Менимча, бундай қатъиятлилик Мамажондан чиққан бўлса керак. Икки дўстнинг қарорларини мен ҳам қўллаб-қувватлаб, «Самаркандга қандай борасизлар?» деб сўрасам, икковлари ҳам жим бўлиб қолдилар. «Икки ёшга акалик қилсам қилибманда» деб, уларнинг кўнгилларини кўтариб, «Тай-ёргарликларингизни қилаверинг-лар, мен ўзим Сизларни Самаркандга олиб бораман», деганимда, икки дўст бир-бирини кучоклаб, «Орзуимиз амалга ошадиган бўлди», деганлари ҳали ҳам қулоғларим остида жаранглайди.

Ўша пайтларда (1960 йиллар) Фарғонадан Самарқандга ҳар икки кунда бир марта юрадиган Андижон-Душанбе поезде қатнаш экан. Биз уювлон Самарқандгача билет олиб, шу поездга ўтирдик. Эрталаб соат ўнларга яқин Самарқандга етиб бориб, юқларимизни вокзал «сақлаш камераси»га топширдик. Бироз тамадди қилиб олгач, Самарқандни пиёда айланиб, олийгоҳни топиб бордик. Университетга йигитларнинг ҳужжатларини топширайлик десак, уларда бироз камчиликлар бор экан, қабул қилинмади. Икки-уч кунда ҳужжатлар тайёр бўлди. Бу кунлар ичида икки дўстнинг Самарқандни янада яхшироқ билиб олишлари учун имконият яратилганлиги уларнинг фойдасига хизмат қилганидан хурсанд бўлдим. Ниҳоят, укаларимнинг ҳужжатлари университетга қабул қилиниб, ётоқхона ҳам берилди. «Мана, ҳужжатларни ҳам университетга топширдиларинг, ётоқ-жойларингиз ҳам бор, энди астойдил ҳаракат қилсаларинг, ўқишга қабул қилиниб, орзуларинг ушалади, буёғи ўзларингга боғлиқ», деб оқ фотиҳа бердим. Укаларим билан хайрлашиб, Фарғонага қайтиб келдим.

Бироз ўтиб, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган Худойберди ва Мамажоннинг университетга қабул қилинганликлари тўғрисидаги хушхабар бир зумда қишлоғимиз узра тарқалди. Ҳа, Фарғонанинг бир кичик қишлоғида ўсиб-улғайган, ёш йигитларнинг ўз билим ва иқтидорлари орқали уларнинг катта олий таълим даргоҳига ўқишга қабул қилиниши биз қишлоқдошлар учун катта бахт эди. Ўша пайтдаги суюниш ва гурурни сўз билан ифодалаш қийин эди.

Беш йил ҳам хаш-паш дегунча ўтиб кетиб, икки дўст университетни муваффақиятли тамомладилар. Худойберди – мактаб сари, Мамажон эса илм сари ўзларининг илк қадамларини қўйдилар.

Йиллар силсиласида Мамажон тобланди, ўз устида тинмай ишлади, илмга шундай берилиб кетдики, баъзан учра-

шиб колганимизда, «Ўқишлар тугадими, қачон Фарғонага қайтасиз, бас энди ўқиганларингиз», деб ҳазиллашар эдим. Меҳнатларининг самараси билан катта олим, профессор даражасига етди. Бундай ютуқлардан дилларим қувончга тўлади ва ғурур ила: «Менинг маънавий кўмагим ўз нишонасини берди, кишлоғимиздан биринчи фан доктори чиқди, онасига минг раҳмат, шундай фарзандни тарбиялаб, элга кўшгани учун», деб айтгим келади.

Мамажон домланинг очиққўнгиллиги ва самимийлиги асосий фазилатларидан биридир. У билан суҳбатлашган инсон ундан ниманидир олгандай бўлади, суҳбатдошини зериктирмай ўзига ром қилади, самимийлик орқали янги дўстлар орттиришга ва калби дарё одамлар кўнглига таъсир кўрсатиб, дилларини обод қилишга интилади. Албатта, бундай суҳбатнинг негизида билим ва маънавий куч-қудрат ётганини сезиш қийин эмас.

Билмадим, профессор Мамажон Адҳамов танлаган илм ва тарбия йўлини дарёга киёслашим ноўриндир. Бирок шуни яхши биламанки, олим – маҳалладошимизнинг орзу-ўйлари, дил сўзлари, тоза туйғулари худди кишлоғимизга туташган ирмоқларга ўхшайди. Қишлоғимиздан чиққан профессормизнинг ҳаёт йўли ва фаолияти ёшларимизнинг она юртга, ватанга содиқ бўлишларида, илм сари интилишларида ўрناق вазифасини ўтай олади.

Илм ва таълим-тарбия орқали доноликка интилаётган, халқимиз учун чин дилдан хизмат қилаётган маҳалладошим, укам Мамажон ҳали кўп ижобий ишларни амалга оширади. Мўътабар, қутлуғ ёшларнинг бир қанчасидан ўтсин, унинг самимий нигоҳидан ҳамиша нур ёғилиб турсин ва оилавий бахти ҳеч қачон аримасин.

III БЎЛИМ.

ОЛИМ ҲАЁТИ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА

АВВАЛНИНГ БИРИНЧИ ФАН ДОКТОРИ

Устозлар ҳам қизиқ бўлар экан. Армия сафидан кайтган Мамажон ўзи таҳсил олган 38-мактабга математика фани ўқитувчиси бўлиб ишга келди. Орадан ики-уч кун ўтмай ўқитувчилардан бири унниг олдига бир варақка кўчирилган масала қўйди ва шу масалани ўғли ечаолмаётганини айтиб, ёрдам беришини сўради. Мамажон масала шартини ўқиди-ю, бу ўрта мактаб программаси асосида ечилмаслигини тушунди, уни олий билимгоҳ программаси усулида ечабошлади. У масалани ечишга шундай берилиб кетдики, атрофини ўндан ортик ўқитувчилар ўраб олганини ҳам сезмади. Масала ечимига сўнги нуқтани қўйиб, уни қандай ечишни исботлади. Маълум бўлишича, бу масалани анча вақтдан буён мактаб ўқитувчилардан ҳеч ким еча олмаётган экан.

Мамажон Адҳамов бу синовдан хафа бўлмади. Аксинча, 1957 йилга қадар шу мактабда математика фанидан сабоқ берган, кейинчалик Фарғона давлат педагогика институтида ишлаган, бу фанга муҳаббат уйғотган устози, Жўра ака Ғофуровни эслади-да, устоз, бу гал ҳам синовдан яхши ўтишга сизнинг сабоқларингиз мададкор бўлди, деб ўйлади.

Ҳа, Мамажон ўша кунга қадар кўп синовлардан ўтди. Ўтганда ҳам унга ҳамиша омад ёр бўлди. Мактабни битиргач, Самарқанд давлат дорилфунунининг механика-математика куллиётига киришга ҳозирлик кўра бошлади.

– Болам, улуғ ният қилибсан, – деди онаси Ойимча опа. – Бироқ колхозчининг боласини қабул қилишармикан. Кўлимиз юпка бўлса...

– Укамнинг билими зўр, – далда бўлди колхозда меха-

низатор бўлиб ишловчи акаси Қодиржон.—Худо хоҳласа ўқишга кириб кетади. Пул масаласига келсак, кўп бўлмаса ҳам қўлдан келганча ёрдам қиламан.

Ҳақиқатдан ҳам, акаси билиб гапирган экан. Мамажон кириш имтиҳонларидан мувафаккиятли ўтиб, талаба бўлди. Беш йил давомида талабаликнинг шодлик кунларини ҳам, кийинчиликларини ҳам бошдан кечирди. Аммо у бир нарса-ни — фан сирларини ипидан игнасигача ўрганишни ўзининг олий мақсади деб билди. Шу сабабдан ҳам беш йил давомида фақат аъло баҳоларга ўкиди. Дорилфунунни мувафаккиятли битириб, қизил диплом олишга эришди. Бу уйқусиз тунларнинг, беҳаловат кунларнинг, тинимсиз, машаққатли меҳнатнинг дастлабки меваси эди.

Мамажонни 1965 йили Кува туманидаги 5-мактабга ишга юборишди. Шу йили у мактабда ўқувчиларга математикадан дарс берди.

— Биринчи бор синфга кирганим ҳеч ёдимдан чикмайди, — дейди Мамажон. — Дарс ўтишга пухта тайёрланган бўлсам ҳам қандайдир бир ҳаяжон елкамдан босиб тургандек эди. Шунда яна Жўра ака Ғофуровни эсладим. Унинг қандайдир шашт, жўшқинлик билан синфга кириб келиши кўз олдимга келди ва ҳаяжонларни енгиб, синфга дадил қадам босдим.

Шу йили Мамажонни армия сафига чақиришди. У хизмат давомида ҳам бўш пайтларида масала-мисоллар ечишни, хуллас, билимини мустаҳкамлаб боришни канда қилмади. Чунки у ҳали олдинда катта синовлар кутаётганини яхши билар, ўзини ана шу синовларга ҳозирлаб борар эди.

1967 йили армия сафидан қайтган Мамажон маколамизнинг кириш қисмида ҳикоя қилинган синовдан ўтиб, ўз қишлоғида ўқитувчилик қила бошлади. Инсон тақдири шундай эканки, уни каердадир бахт ёки тасодиф кутиб турар экан. Бир неча йиллар турли шаҳар-қишлоқларда бўлган бўлса ҳам у бахти ўз қишлоғида кутиб турганидан беҳабар эди. Тақдир уларни бир-бирига рўбарў қилиб, бахт

эшигини очди. Сабоҳатхон Абдураимова ҳам мактабга чет тили фани ўқитувчиси бўлиб ишга келган эди. Юлдузлари юлдузларига тўғри келиб, шу йили бир-бирларининг висолларига етдилар. Сабоҳатхон фақат турмуш ўртоғи бўлиб эмас, сандик тўла жавохир, ҳамфикр дўст, кадрдон маслаҳатчи, оғир кунларда суянчик бўлиб, умр йўлининг йўлдошига айланди. Чунки, Мамажон ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун қаерда ўқиса, ёки ишласа, Сорахон ҳам ўша ерда бўлди, маънавий кўллаб-қувватлаб турди, илмий ишларининг ёзилишига илҳом бағишлади, чет эллардаги халқаро анжуманларда ўқийдиган маърузаларига қанот ато этиб турди.

Мамажон 1968 йили илм излаб Андижон педагогика олийгоҳига келиб, у ерда икки йил давомида ассистент, 1970-1971 йилларда эса Ўзбекистон Фанлар Академиясининг кибернетика илмий-тадқиқот олийгоҳида тадқиқотчи бўлиб ишлади. Кибернетика–автоматик бошқариш системалари ва методлари ҳақидаги фан бўлиб, бу соҳага ўзини бағишлаган инсондан катта билим, сабр-тоқат, буюк иқтидор талаб этилади. Мамажон бундан чўчимди. Чунки, ўзини фанга бағишлаган инсоннинг матонатли бўлиши лозимлигини яхши билар, зероки, устозлари ҳамиша шунга даъват этар эдилар. Мамажон 1972-1974 йилларда шу олийгоҳнинг аспирантурасида ўқиди. Яна синовдан муваффақиятли ўтиб, 1978 йилга қадар Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. У иш билан бирга илмий даража олиш учун ўқиб, ўрганди, устозлари сабоқларидан баҳраманд бўлди ва 1979 йили 36 ёшида номзодлик диссертациясини ёқлаб, иктисод фанлари номзоди деган илмий даража олди.

1978 йилдан буён республика Фанлар Академиясининг кибернетика илмий-тадқиқот олийгоҳида катта илмий ходим бўлиб ишлаб келаётган Мамажон фан номзоди бўлгандан кейин ҳам илмий ишларни тўхтатиб қўймади. Аксинча, ўз халқи, республикаси учун мумкин қадар кўпроқ фойда келтириш мақсадида илмий изланишларини изчиллик билан да-

вом эттирди. У бу борада бир катор чет элларда ўтказилган катта анжуманларда иштирок этиб, ўз маърузалари билан оламга танилган олимларни ҳам қойил қолдирди. Айниқса, Польшада ўтказилган анжумандаги маърузаси ёш олимга катта шуҳрат келтирди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, кибернетика илмий-тадқиқот олийгоҳининг директори, кибернетика фани бўйича собиқ иттифоқда ҳам кўзга кўринган олим Восик Қобулов Мамажонда бўлган иқтидорни тез сезди ва янги довларни забт этиш сари даъват этиб турди ва устозликни ўз зиммасига олди. Буларнинг барчаси Мамажоннинг меҳнати, изланишлари билан жамул-жам бўлиб, яна бир илмий ишнинг дунёга келишига асос солди.

... Ақаси Қодиржон даладан эндигина қайтиб уйга кирган эдики, хаг ташувчи чакириб, қўлига телеграмма тутқазди. Унда, «Ака, докторлик диссертациямни ёқлапман, етиб келинг, укангиз Мамажон» дейилган эди. Қодиржон чарчоғини ҳам унутиб, оҳорли кийимларини кийди-да, тракторини дарвозаси тагида қолдирганча Тошкентга равона бўлди. Вақтида етиб келган экан, далда бўлди.

Шу кун Мамажон учун энг оғир ва энг бахтли кун бўлди. У кўплаб кўзга кўринган олимлар даврасида «Ўзбекистонда пахта тозалаш саноатини математик моделлаштириш масалалари» мавзусида фан доктори илмий даражасини олиш диссертациясини мувафакқиятли ёқлади. Бу диссертацияни кўплаб олимлар юқори баҳолашди.

Аввалдан биринчи бўлиб чиққан иқтисод фанлари доктори Мамажон Адхамов яқинда оила аъзолари билан ўз қишлоғига келди. Уни табриклагани ўқитувчилари, дўстлари, қариндош-уруғлари, маҳалладошлари жамулжам бўлишди ва олим шаънига дил сўзларини изҳор этдилар.

Т. Содиқов.

*«ШОНЛИ МЕҲНАТ» газетаси,
1992 йил 22 сентябрь, 71-сон, 2-бет.*

ФАНГА ҲОМИЙЛАР ЗАРУР

Мамажон Адхамов – Фарғона Давлат университети кафедре мудири, иктисод фанлари доктори, профессор. Асли Фарғона туманининг Аввал қишлоғидан бўлмиш бу камтарин инсон Тошкентдаги иктисодиёт дорилфунунида, кибернетика илмий текшириш институтида юксак лавозимларда ишлаган, халқаро конференцияларда докладлар билан қатнашган, бир неча монография, дарсликлар муаллифи. Бир куни ҳурматли профессордан илм-фан ва уни қийнаган муаммолар ҳақида интервью олиш мақсадида идорамизга чақирган эдик. Домла таклифимизни рад этмай, қимматли вақтларини аямай биз билан суҳбатлашишга келдилар.

– Домла, ботмайдиган бир саволим бор, Тошкентдай шаҳри азимда, «катта қозон»да қайнаган профессорни Фарғонага қайтишга нима ундади?

– Саволингиз ўринли. Пойтахтнинг муҳити ҳар ҳолда пойтахтча бўлади-да, илм-фаннинг, маданият-у, санъатнинг қаймоғи йиғилган-ку у ерда. Тўғри, пойтахтда яшаш, ишлаш, ижод қилиш учун жуда катта имкониятлар бор, мен ҳам кўплар қатори бу имкониятлардан баҳраманд бўлдим. Бир куни Муҳаммаджон Қорабоев (собиқ Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари) чақиртириб, Сиз каби олимлар Фарғонада жуда керак, у ерда ҳам фанни гуркиратиб беринглар деб қолдилар. Улуғ ниятлар билан Фарғона давлат университетига ишга келган эдим, гапираман десам вақт етмайди.

– Қайтганингизга пушаймон эмасмисиз, ишқилиб?

– Йўқ албатта, от айланиб қозиғини топади, деганларидай бир куни қайтардик-да. Қизим, муаммолар кўп, ҳали «Фарғона ҳақиқати» газетасибоп мақолалар кўп. Ҳозир эса фан фидойиларини ўйлантираётган бир мавзуни ўртага ташламоқчиман.

Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида ёзилишича, соҳибкирон Амир Темур олим-у фузалолар даврасида шундай дер экан: «Қадимдан маълумки, фан ва дин кишилари подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Чунки мамлакатдаги аҳвол, оддий одамлардан тортиб, жойлардаги ҳокимлар ҳаёти ҳаммадан кўра сизларга аён. Шулар тўғрисида менга ҳаққоний маълумотлар берингиз. Адолатсизликларга қарши қонуний чора-тадбирлар айтингиз». Демак, ҳамма замонларда ҳам қонуний давлат барпо этишда илму фанга катта аҳамият берилиб, олим-у фузалолар иззат-икромда яшаганлар.

Ҳозир-чи? Тўғри, ҳозир ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди. Ўтиш даври синовлари ҳаммани оғир аҳволга солиб қўйди. Бирок қанча машаққатларни бошдан кечирмайлик, савобли ишларга бел боғлаган инсонлар бунинг учун ҳар йўсин имкон топа оладилар. Ахир йўқни керак топтирар, қаловини топсанг қор ёғар, деб ота-боболаримиз бежиз айтишмаган.

Иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда илм-фаннинг роли бекиёсдир. Бунинг учун эса қуйидаги ишларни амалга ошириш даркор бўлади:

Биринчидан, Республика Фанлар Академиясининг Фарғона минтақавий бўлимини ташкил этиш.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг минтақавий хусусиятларини инобатга олган ҳолда вилоятдаги дорилфунун, институтлар базасида илмий марказлар барпо қилиш.

Очиғини айтганда, республикамиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган фан фидойилари учун шарт-шароитлар мутлақо йўқ ҳисоби. Илмий ва амалий иш натижаларини эълон қилиш учун нашрлар ва тўпламлар бўлиши орзуга айланган. Ўқув ва илмий адабиётлар, илмий ва оммабоп нашрлар етарли эмас. Илмий ходимлар, тадқиқотчилар, аспирантлар тайёр илмий натижаларини чоп эттириш учун зир югуришади. Пойтахтга бориб-келиш, нашриётлар, журналлар билан «тил топишиш» эса осон иш эмас. Хўш, шундай экан, вилоят марказларида

«Фан», «Меҳнат», «Ўқитувчи» каби марказий нашриётларнинг филиалларини очиш нима учун мумкин эмас?

–Маблағчи?

–Баракалла, маблағ керак. Ҳозир бизда турли хал жамғармалар кўпайган – «Наврўз», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» каби. Миллий валюта банкларимиз ҳам анчагина ўзига тўқ муассасалардан ҳисобланади. Турли-туман акционерлик жамиятларини-ку айтмай кўя қолай. Нега улар фанга ҳомийлик қилишлари мумкин эмас? Тўғри, етим-есирларга тўйлар қилиб бериш, ночорларнинг кўнглини олиш ҳам керак. Лекин ўз юртининг эртанги куни, истикболи учун жони ачишадиган тадбиркорлар илм-фан равнакига ҳисса қўшсалар, олимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, илмий ишларда рағбатлантирсалар нур устига аъло нур бўлур эди. Ҳомийлар лаббай, дейишса, дебоча сифатида «Фарғонада фан тараққиёти» илмий оммабоп тўпламини нашр эттирган бўлур эдик.

Ҳурматли профессор. Фарғонамиз олийҳиммат, қўли очик, саховатли инсонлар юрти. Кўхна Ҳўқанди латифда Нурилло хожи Абдулло ўғли, Олтиариқда Қодиржон хожи Иброҳимов, Марғилонда Раҳматилло хожи Камолов, Анваржон Мирзаев сингари юзлаб ватанпарварлар борки, улар давлатингизга лаббай десалар, ажаб эмас.

–Иншооллоҳ.

*Ҳамсуҳбат: М. Усмонова.
«ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ» газетаси,
1994 йил 23 август, № 69, 2-бет.*

IV БЎЛИМ.

ИЖОД ОЛАМИДА

ТАФАККУР ҚАТРАЛАРИ

Мамажон Адхамов ўз соҳаси муаммоларини таҳлил этиш ва ечимларини топишдан бироз чарчаганида, дам олган пайтларидида бадий ижод билан ҳам шуғулланади. У қайдларидан бирида: «Адабиётни севинг, доимий ҳамроҳингиз бўлсин. Ҳаётнинг турли бекатларида турфа ҳолатларга тушганингизда адабиётдан жавоб топасиз, руҳингиз янгиланади, юрак йўллар очилгандай, манзиллар яқинлашгандай бўлади» деб ёзади. Мана, олимнинг ижодидан намуналар:

Дунёнинг кўркидир одам деган зот,
Дунёнинг мулкидир одам деган зот.
Одамийлик шаъни кўтаргин баланд,
Заковатинг-ла эт дунёни обод.

Аёл борки, олам мунаввар,
Аёл борки, гўзалдир ҳаёт.
Аёлсиз уй ҳувиллаб колар,
Табассуми – нурли бир нажот.

Кўркмасдан уфққа канот ёз мудом,
Интилсанг, қолади сендан яхши ном.

Ғариб кўринади дўсти йўқ инсон,
Қалби унинг гўё куёшсиз осмон...

Ижод ва меҳнат – тафаккур қилишнинг биринчи меваси.

Яхши туш кўриш учун яхши тушни ўйлаб ётиш шарт эмас, яхши ишни, яхшиликни, иймон-эътиқодни маҳкам тутиш керак.

Дехқончиликда ҳосилнинг мўллиги ердан эмас, балки меҳнатдан, ишловдан, парваришдандир.

Шундай кунлар келадики, чет элликлар бизнинг фермерлардан ўрганишга келади ва деҳқончилик илмимизга тан берадилар, хавас қиладилар.

Ёзиш (ижод қилиш), бу – ҳаётни яшайдиган даражага келтириб таҳрир этишдир.

Ҳаёт бор жойда – ижод бор, илм бор ва албатта ривожланиш, янгиланиш қарор топади.

Вакт, бурч ва масъулият – инсонни тарбиялайди. Тарбия эса шахсни меҳнат ва ижодкорликка ундаб, моддий неъматлар яратиш манбаларидан биридир.

Инсон тақдирини ҳеч ким олдиндан башорат этиб айтиб бера олмайди, кимнинг қисмати қандай бўлажagini ҳаётнинг ўзи кўрсатади., тақдир дегани шу.

Меҳнатдан асло чарчаманг, тўхтаманг, меҳнат қилишдан қолдингизми – бу ҳаётдан, яшашдан тўхтаб қолганингиз бўлади.

Инсон меҳнати ила тафаккур дуру-жавохирларини кўпайтиришга интилноғи даркор.

Истеъдод туғма ҳодиса эмас, у меҳнат ва тафаккур ила

жилоланади, ўз бўй-бастини шу орқали намоён этади. Истеъдод бўлса, албатта, бирон-бир янгилик, кашфиёт яратилади.

Ҳар бир шахсда жасорат бўлиши керак, акс ҳолда у сўниб бораётган ёруғликка ўхшайди.

Биз билган нарсалар чексиз, аммо инсонни инсон қиладиган нарса бу – маънавиятдир.

Фикрлаш – дунёни англаш воситаси, бу қобилиятдан маҳрум бўлиш – тузатиб бўлмас касаллика чалиниш қабидир.

Эсимда, мактабнинг юқори синфида ўқиганимда, дарслар тугаши билан бригадир бизни даласига олиб бориш учун изларди, топа олмай хуноб бўларди. Мен эса дарвозани маҳкам беркитиб, бригадир чақириғини эшитмай, олий ўқув юртига ўқишга қираман деб имтиҳонларга тайёрланар эдим.

Эсимда, 6-синфдан бошлаб оиламиз учун зарурий бозор-учарларни ўзим қилар эдим: онажоним, опамлар (Асалхон ва Донохон) ва акам (Қодиржон) дала ишларидан ортмасдилар. Рўзгор учун харид қилган нарсаларимни онажоним «жуда яхшисини олибсан» деб мактар эдилар. Бу рағбат мени янада руҳлантирарди. Ҳар гал бозордан нарса харид қилганимда хануз онажонимнинг олқиши қулоқларим остида жаранглайди.

Эсимда, 3-синфда ўқир эдим. Баҳорда онажоним дугонаси Баҳринисо ая (охиратлари обод бўлсин) билан аммамни-кига – Ёзёвоннинг узок чўл кишлоғига олиб бордилар. Аввал юк машинасида, кейин яёв юриб, аммамнинг уйларига етиб бордик. Шунда мен Хотинариқ, Шаҳартепа, Шомирза, Тўралар деган кишлоқларни кўрдим, Катта Фарғона каналини кесиб ўтдик, юрт ҳақидаги тасаввурим янада кенгайди. Бу

илк таассуротларим кейинчалик катта шахарларга интилишимга сабаб бўлгандир.

Дейдилар, ижод ҳам сув каби тиниқ бўлиши керак. Дейдилар, ижод илмдан яралган. Олим ижод пайтида юрак ила ёнмоғи даркор. Тўғри, сувнинг ўрни ҳаётда бекиёс бўлгани учун илмий ижодда ҳам сув бўлиши мумкин. Лекин бундай ижод суви тўкиб юборилганида ҳам бирор нарсага наф келтириши лозим. Олим томонидан яратилган ижод маҳсулини Яратганнинг ўзи довул ва бўҳтонлардан асрасин.

Дейдилар, олимга ишлашдан ҳам, истеъдоддан ҳам кўпроқ зарур нарса, бу унинг ўз виждони олдида, ўз оиласи, халки, ватани олдида ҳамиша самимий бўлишидир.

Дейдилар:

-Дунёда энг бадбашари одам ким?

-Қўлидан бир иш келмаётган киши.

-Ундан-да бадбашара, ундан-да ёқимсиз одам-чи?

-Қўлидан бир фойдали иш келмаётган киши.

Инсон ижоднинг қайси йўналиши билан машғул бўлишидан қатъий назар илм ва ижод муштарақлиги ила жамиятда ривожланиш давом этаверади.

МАМАЖОН АДҲАМОВ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

1943 йил 6 февраль – Фарғона туманидаги Аввал кишлоғида туғилди.

1950-1957 йиллар – Аввал кишлоғидаги 38-сонли 7 йиллик мактабда ўқиди.

1957-1960 йиллар – Қорасув кишлоғидаги Пушкин номи 22-ўрта мактабни тамомлади.

1960-1965 йиллар – А. Навоий номидаги Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги Самарқанд давлат университети) математика факультетида ўқиди ва уни муваффақиятли тамомлади.

1965 йил август-октябрь – Кува туманидаги 5-ўрта мактабда математика ўқитувчиси.

1965 йил ноябрь – 1966 йил декабрь – армия сафида хизмат қилди.

1967 йил февраль – 1968 йил август – Фарғона тумани Аввал кишлоғидаги 38-ўрта мактабда ўқитувчи.

1968 йил сентябрь – 1969 йил сентябрь – Андижон давлат педагогика институти математика кафедраси ўқитувчиси.

1969 йил сентябрь – 1971 йил сентябрь – Андижон давлат педагогика институтида стажер-тадқиқотчи.

1971 йил декабрь – 1974 йил декабрь – Тошкент халқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) кундузги аспирантурасида таҳсил олди.

1975 йил январь – 1978 йил февраль – Тошкент халқ хўжалик институти кибернетика кафедрасига ўқитувчи.

1979 йил февраль – 1982 йил февраль – Ўзбекистон Фанлар академияси кибернетика институтида кичик илмий ходим.

1978 йил ноябрь – иқтисод фанлари доктори, профессор М. Ирматов илмий раҳбарлигида «Ўзбекистонда пахта тозалаш корхоналари фаолиятини математик моделлаштириш ва

прогнозлаш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1979 йил – апрелдаги ОАК қарори билан иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси берилди (ЭК № 009288).

1982 йил февраль – 1992 йил август – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси кибернетика институтида катта илмий ходим.

1988 йил март – олий аттестация комиссиясининг 199 баённомасига кўра кибернетика бўйича катта илмий ходим (доцент)лик илмий унвони берилди (СН № 011862).

1992 йил февраль – «Ишлаб чиқариш, истеъмол ва аҳоли даромадлари боғланишларини моделлаштириш» (Ўзбекистон Республикаси мисолида) мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. ОАК нинг 1992 йил 15 майдаги қарори билан иқтисод фанлари доктори илмий даражаси берилди (ДТ № 014302).

1992 йил август – 2003 йил апрел – Фарғона Давлат университети иқтисод ва рсжалаштириш кафедраси мудир.

2001 йил декабрь – Олий аттестация комиссияси томонидан «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» кафедраси бўйича профессор илмий унвони берилди (2001 йил 27 декабрь, 83/1-баённома, 05 № 00082).

2000 йил январь – Қирғиз-Ўзбек университети «Фан, техника, таълим» халқаро илмий журнали таҳририятининг аъзоси.

2003 йил май ойдан Фарғона давлат университети иқтисодиёт кафедраси профессори.

БИБЛИОГРАФИЯ

1. Монография, ўқув ва услубий кўлланмалар

1. Планлаштиришда математик методларнинг кўлланилиши. Т.: «Ўқитувчи», 1982.

2. Иқтисодий математик методларнинг самарадорлиги. Т.: «Ўзбекистон», 1984.

3. Проблемы моделирования и пути совершенствования хозяйственного механизма региональной экономики. Т.: «Мехнат», 1991.

4. Методология разработки комплекса многоуровневых эконометрических моделей развития Республики Узбекистан. Т.: РИСО АН РУз, 1991 (в соавторстве).

5. Банк иши тушунча ва атамалари. «Фарғона» – 1997 (хаммуаллифликда).

6. Практикум по дисциплине «Основы экономического прогнозирования». Ош – 1998.

7. Математическое моделирование экономических процессов в сельском хозяйстве. Ош – 1998 (в соавторстве).

8. Бизнес-режа: кандай тузиш керак. Фарғона ш. – 1998.

9. Методологические основы механизмов развития аграрного рынка. Бишкек, 2000.

10. Математические методы и модели в управлении экономикой. Ош – 2002 (в соавторстве).

11. Лойиҳа тахлили. «Фарғона» – 2002.

12. Игровые методы и модели в управлении экономикой. Ош – 2003 (в соавторстве).

13. Макроэкономика. Ош – 2004,

14. Проектный анализ. Фергана – ФерГУ – 2005.

15. Фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий

вазифамиз. Услубий кўлланма. Фарғона – ФДУ, 2007 (хаммуаллифликда).

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишга доир услубий тавсиялар. Фарғона – ФДУ, 2007.

17. Мамлакатнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш омиллари. Услубий кўрсатма. Фарғона – ФДУ, 2009 (хаммуаллифликда).

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари бўйича қисқача изоҳли луғат. Фарғона – ФДУ, 2009 (хаммуаллифликда).

19. Ҳаёт сабоклари ёхуд чўккидан назар. «Фарғона» – 2011 (хаммуаллифликда).

20. Магистрлик диссертациясини ёзиш, расмийлаштириш ва ҳимоя қилишга тайёрлаш. Услубий кўрсатма. Фарғона – ФДУ, 2012.

2. Халқаро илмий журнал ва тўпламларда чоп этилган илмий мақолалар

1. Моделирование поведения экономики региона в новых условиях хозяйствования. Всесоюзная конференция «Информатизация и моделирование территориальных социально-экономических объектов». Доклад, 6 декабря. Новосибирск – 1990 (в соавторстве).

2. Оптимизация сельскохозяйственных процессов с помощью компьютерной технологии. «Экономика и статистика». №3, 1999. Бишкек – 1999, 75-78 стр. (в соавторстве).

3. Разработка автоматизированных обучающих систем провидения лабораторных заданий. Сборник научных трудов КУУ, первый выпуск. Ош- 1999, 50-53 стр. (в соавторстве).

4. Экономико-математический анализ процессов сельскохозяйственного производства. Сборник научных трудов КУУ, первый выпуск. Ош, 110-115 стр. (в соавторстве).

5. Оптимальное исследование аграрного рынка. «Экономика и статистика». №3, 2000. Бишкек, 67-69 стр. (в соавторстве).

6. Использование информационной технологии при проведении курса «информатика» для экономических специальностей. Вестник Ошского Государственного Университета, №3 – 2005, 225-226 стр. (в соавторстве).

7. Вопросы выбора инвестиционных проектов с использованием ЭММ. «Наука, Образование, Техника». №1 – 2005, 151-153 стр. (в соавторстве).

8. Особенности и вопросы управления агромаркетинга. «Наука, Образование, Техника». №1 – 2005, 168-170 стр. (в соавторстве).

9. Исследование прогнозирования социально-экономического развития региональной экономики. «Наука, Образование, Техника». 187-189 с. (в соавторстве).

10. Научные основы инновационных процессов в сельском хозяйстве. Вестник Ошского Государственного Университета, №6 – 2006, 3-6 стр. (в соавторстве).

11. Маркетинговая деятельность в сфере реализации продукции сельского хозяйства. «Наука, Образование, Техника». №2 – 2007, 126-128 стр. (в соавторстве).

12. Взаимовыгодные взаимоотношения в системе образования между Узбекистаном и Индией. «Отношения между Узбекистаном и Индией: развивающиеся партнерство». Фергана – 2007, 30-31 стр.

13. Некоторые аспекты индийско-узбекского взаимовыгодного экономического содружества. Диалог центральная Азия – Индия. Фергана - 2007, 135-137 стр.

14. Исследование и перспективы развития информационно-коммуникационных технологий в региональной экономике. Уфа. БашТУ – 2007, 129-134 стр. (в соавторстве).

15. Региональные особенности инновационного процесса в сельском хозяйстве. «Экономика и статистика». №1, 2007. Бишкек – 2007, 15-18 стр. (в соавторстве).

16. Вопросы моделирования инвестиции и потребления. Turk Dunyasi Isetme Fakultesi: ÜLKUMIS. Sayi: 2, Aralik – 2004. (в соавторстве).

17. THE ECONOMIC GROWTH ANALYSIS OF THE PRODUCTION ON THE BASE OF MACROECONOMIC MODELLING. XIV the INTERNATIONAL CONFERENCE and ESTIMATION OF LAROE ECONOMETRIC MODELS - MACROMODELS' 87. Porobka – Kozubnik 8-11 December 1987.

3. Халқаро илмий анжуманлардаги мақолалар

1. Совершенствование сводного территориального планирования АСПР Госплана Узбекской ССР. «Проблемы проектирования подсистемы «сводный народнохозяйственный план» АСПР Госплана союзной республики». Таллин, 1982, 101 стр. (в соавторстве).

2. Эконометрическая модель развития экономики республики с учетом основных показателей народного хозяйства. «Проблемы макроэконометрического моделирования». Москва - 1984, 7 стр. (в соавторстве).

3. Моделирование общеэкономических показателей регионального планирования. Тезисы всесоюзного семинара «Моделирование развития региональной экономики». Ташкент – 1988, 13 стр. (в соавторстве).

4. Имитационная модель экономического роста общественного производства союзной республики. Республиканский семинар-совещание «Применение экономико-мате-

матических методов в планировании и управлении народным хозяйством республики». Душанбе.: «Ирфон» - 1988, 125 стр. (в соавторстве).

5. Экономико-математические методы – средство совершенствования хозяйственного механизма научно-технических организаций. «Второй международный семинар стран – членов СЭВ по обмену опытом экономического анализа деятельности научных организаций в условиях полного хозрасчета». Москва – 1988, 44 стр. (в соавторстве).

6. Экономико-математические методы – средства совершенствования хозмеханизма НТО. «Второй международный семинар стран – членов СЭВ по обмену опытом экономического анализа деятельности научных организаций в условиях полного хозрасчета». Москва – 1989, 148 стр. (в соавторстве).

7. Моделирование элементов рыночной структуры. Всесоюзная научно-практическая конференция: «Рынок в СССР: современный этап и перспективы». Москва – 1991, 112 стр. (в соавторстве).

8. Информационный аспект анализа последствий компьютеризации. «Международная научно-практическая конференция, посвященная 660-летию Амира Тимура». Ош – 1996, 112-113 стр. (в соавторстве).

9. Некоторые аспекты современных макроэкономических проблем переходной экономики. «Тюрко – согдийский синтез и развития проблемы культурного наследия». Ош – 2004, 198-199 стр. (в соавторстве).

10. Взаимовыгодные взаимоотношения в системе образования между Узбекистаном и Индией. «Отношения между Узбекистаном и Индией: развивающиеся партнерство». Фергана – 2007, 30-31 стр.

11. Экономические аспекты управления инновационной деятельности. «Актуальные проблемы механики и машиноведения, развития науки и интеграции Вузов». Ош – 2009, 35-36 стр.

4. Республика илмий-амалий анжуманлари материалларидаги илмий мақолалар

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини ривожлантиришда ростлаш масалалари. «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида минтақавий хусусиятлар асосида агросаноат комплексини ривожлантириш йўллари». Фарғона – 1997, 38 бетлар.

2. Иқтисодий таҳлилни амалга оширишда маънавият масалаларидан фойдаланиш. «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги». Фарғона – 1999, 52-53 бетлар.

3. Иқтисодиётни эркинлаштиришда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммолари. «Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг минтақавий муаммолари». Фарғона – 2000, 130-132 бетлар.

4. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг минтақавий хусусиятлари. «Билимларга асосланган янги иқтисодиёт шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш муаммолари». Фарғона – 2007, 8-9 бетлар.

5. Яширин иқтисодиётни эркинлаштиришда солиқнинг ўрни ва уни такомиллаштириш йўллари. «Солиқ ислохотларини жадаллаштиришда янги таҳрирдаги «Солиқ кодекси»нинг ўрни». Фарғона – 2008, 19-25 бетлар.

6. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг инновация стратегиясини шакллантиришда инсон омили. «Қишлоқ хўжалиги тармоқлари тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини ошириш». Фарғона – 2009, 6-8 бетлар.

7. Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалигида инновацион фаолият омили сифатида. «Агросаноат мажмуасини комплекс ривожлантириш истикболлари». Фарғона – 2009, 32-33 бетлар.

8. Особенности функционального подхода в инновационном менеджменте в Республике Узбекистан. «Агросаноат мажмуасини комплекс ривожлантириш истикболлари». Фарғона – 2009, 34-35 бетлар.

9. Экологик социологиянинг айрим иқтисодий масалалари. «Мамалакатни модернизациялаш шароитида минтақада табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари». Фарғона – 2010, 65-67 бетлар.

10. Оценка эффективности инвестиционной деятельности. «Мамалакатни модернизациялаш шароитида минтақада табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари». Фарғона – 2010, 110-112 бетлар.

11. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида инновация самарадорлиги. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – социал иқтисодий юксалиш омили». Фарғона – 2011, 86-87 бетлар.

12. Кишлоқ хўжалиги ривожланишининг янги сифат босқичи жараёнлари таҳлили масалалари. «Иқтисодий таъминотни модернизация қилиш шароитида реал сектор корхоналарини баҳолаш». Фарғона – 2012, 21-22 бетлар.

5. Республика микёсидаги журналларда чоп этилган илмий мақолалар

1. Некоторые вопросы оптимального варианта развития и размещения хлопкоочистительной промышленности Узбекской ССР. «Математические методы планирования и управления производством». Ташкент – 1974, 3 стр. (в соавторстве).

2. Анализ и многофакторное прогнозирование производительности труда. «Вопросы РСУ», №14. Ташкент – 1978, 50 стр. (в соавторстве).

3. Язык программирования для проектирования некоторых задач РАСУ. «Алгоритмы», №36. Ташкент – 1979, стр. 29. (в соавторстве).

4. Исследование региональной экономики АСПР Госплана УзССР. «Вопросы РСУ» №25. Ташкент – 1981, 3 стр. (в соавторстве).

5. Адаптивные методы в исследовании региональной экономики республики. «Вопросы РСУ» №32. Ташкент – 1983, 13 стр.

6. Имитационный анализ планирования и прогнозирования основных показателей экономики республики. «Вопросы РСУ», №36 Ташкент – 1984, 45 стр. (в соавторстве).

7. Методика организации обмена информацией АСОИ-ДО с другими ОАСУ. «Вопросы РСУ», №42. Ташкент – 1986, 4 стр. (в соавторстве).

8. Экономико-математическая модель развития и размещения предприятий хлопкоочистки. «Экономика и жизнь». №2. Ташкент – 1975, 40-42 стр. (в соавторстве).

9. Бинокорлик корхонасида маркетинг. «Иқтисод ва ҳисобот». №1. Ташкент – 1996, 58-59 бетлар (хаммуаллифликда).

10. Тадбиркор бўлай десангиз. «Иқтисод ва ҳисобот». №3. Ташкент – 1997, 58-59 бетлар.

11. Даромад солиғини таҳлил қилишда иқтисодий математик усуллардан фойдаланиш. ФДУ. «Илмий хабарлар». №4. Фарғона – 2004, 13-16 бетлар (хаммуаллифликда).

12. Мехнат потенциали – инновацион фаолият асоси. ФДУ. «Илмий хабарлар». №4. Фарғона – 2006, 13-15 бетлар.

13. Информационно-коммуникационная технология – движущая сила в сфере управления. ФДУ. «Илмий хабарлар». №4. Фарғона – 2007, 11-13 стр.

14. Аграр соҳани мулкӣ ислоҳ қилиш ва фермер хўжалиқларини ривожлантиришнинг айрим масалалари. ФДУ. «Илова-тўплам». Фарғона – 2007, 13-15 бетлар.

15. Ахборот тизимида электрон иқтисодиёт ва таълим технологиялари. «Иқтисодиёт ва таълим». №3. Тошкент – 2007, 147-149 бетлар.

16. Минтақада меҳнат ресурсларини тартибга солиш механизмларини шакллантиришнинг баъзи аспекти. ФДУ. «Илмий хабарлар». №4. Фарғона – 2008, 14-16 бетлар (хаммуалифликда).

17. Особенности и эффективность привлекательности инвестиций. Журнал налогоплательщика. №2. Ташкент – 2010, 42-43 стр. (в соавторстве).

6. Матбуот нашрларида чоп этилган илмий мақолалар

1. Темур тузуклари ва иқтисодиёти. «Фарғона ҳақиқати». Фарғона – 1996, 24 феврал.

2. Тадбиркорлик сир-асрорлари. «Фарғона ҳақиқати». Фарғона – 1996, 11 апрел.

3. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш. «Фарғона ҳақиқати». Фарғона – 1996, 7 май.

4. Фаолиятни режалаштириш. «Фарғона ҳақиқати». Фарғона – 1996, 30 май.

5. Меросидан қалблар мунаввар. «Фарғона ҳақиқати». Фарғона – 1998, 5 март.

6. Тафаккур қатралари. «Фарғона таълими хабарлари». Фарғона – 2012, 27 сентябрь.

7. Аввалнинг биринчи фан доктори. «Шонли меҳнат». Фарғона – 1992, 22 сентябрь.

8. Фанга ҳомийлар зарур. «Фарғона ҳақиқати». Фарғона – 1994, 23 август.

СҮНГГИ СҮЗ ҰРНИДА

Азиз ўқувчи! Замондошимиз бўлган етук бир олимнинг қалб қатидаги фалсафий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий мушоҳадалари, ҳамкасбларининг ана шу инсон ҳақидаги фикрлари, унинг тафаккур олами кенглигидан далолат берувчи битиклари, ҳаёти ва умргузаронлиги давомида жамиятнинг онгли аъзоси сифатида шаклланиш машаққатлари ва эришган ютуқлари ҳақидаги ранг-баранг маълумотлар билан танишдингиз. Ўйлаймизки, кўзингиздаги нур, юзингиздаги табассум янада равшанлашди, энди олимларга теран кўз билан қараш лозимлигини англаб, эхтиросларга бериласиз.

Бежиз айтишмаган:

Инсондир ердаги улуғвор қуёш,
Коинот – ҳаётга инсон эрур бош.

Ҳа, ҳар бир инсон салоҳияти ила ўз йўналиши бўйича кичик қуёшчаларга айланса, жамиятга янада унумли ҳиссасини қўшса, ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган омиллар шакллана боради. Бундай омиллар эса мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш имкониятларини янада кенгайтиради ва фаровонлик сари юз тутишимизни енгиллаштиради. Албатта, бундай мураккаб ва глобал муаммолар олимлар зиммасига катта масъулият юклайди. Гўзаллик дунёни қутқарганидек, олимлар – оламни бедаво дард ва ифлосликлардан ўзларининг теран фикрлари ила қутқарадилар.

Қуёшнинг иссиқлиги, ойнинг ёруғлиги, ичимлик сувининг ҳаммамизга етганидек, дунё олимлари глобал даражадаги муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишлари зарур. Ҳар бир инсон унинг зарраларига айланиб, бирлашиб ҳаёт

муаммоларини ижобий ҳал этишга қодир. Олим таъкидлаганидек, «Ҳаёт борки, илм бор, ижод бор, ривожланиш бор».

Замон тезкор, давр шиддатли. Унга дош бериш, янада кўпроқ савобли ишларни амалга ошириш эса ўзимизга боғлиқ. Йўлимиз гарчи машаққатли бўлса ҳам, буюк келажак ва фаровонлик сари олға интилишимизда Оллоҳ доимо мададкор бўлсин.

МУНДАРИЖА

I БЎЛИМ.

Қалб қатидаги ёзувлар

Машаққатли умр сарҳисоби.....	3
Илк кадамлар ва ҳаёт сари интилишлар.....	6
Иқтисодиёт жонкуяри.....	11

II БЎЛИМ.

Дилдан томган тилаклар

Ибратли ҳаёт йўли.....	22
Яхшиликка интилган инсон.....	24
Иқтисодчи-математик олим.....	27
Доно ва камтарин.....	30
Кўпнинг кўнглидан жой олиб.....	34
Мустақкам дўстлик ришталари.....	36
Доимий шиори – яхшилик.....	38
Илмий салоҳият соҳиби.....	40
Икки фан олими.....	42
Қишлоғимиз фахри.....	44

III БЎЛИМ.

Олим ҳаёти матбуот саҳифаларида

Аввалнинг биринчи фан доктори.....	47
Фанга ҳомийлар зарур.....	51

IV БЎЛИМ.

Ижод оламида

Тафаккур катралари.....	54
Мамажон Адхамов ҳаёти ва фаолиятининг асосий саналари.....	58
Библиография.....	60
Сўнгги сўз ўрнида.....	69

2000 с.ф.м.

Бадиий-публицистик нашр

Д. Курбонов

НУРЛИ МАНЗИЛ САРИ

Таникли иктисодчи олим, профессор
Мамажон Адхамовнинг ҳаёти ва фаолиятига

ч и з г и л а р

<i>Муҳаррир:</i>	А. Содиков
<i>Тех. муҳаррир:</i>	Н. Ҳошимов
<i>Дизайнер:</i>	М. Ҳошимов

Нашриёт лицензияси: А.І.№ 162. 2009 йил 14 август.
Теришга берилди: 02.05.2013. Босишга рухсат этилди:
08.07.2013. Бичими: 60x84 1/16. Офсет усулида чоп этилди.
«Times New Roman» гарнитураси. Нашриёт босма табағи:
4,5. Шартли босма табағи: 4,75. Адади:500 дона.

Буюртма № 1455

«Фарғона» нашриёти
Фарғона шаҳри, Соҳибкирон Темури кўчаси, 28-уй.

«ПОЛИГРАФ-ПРЕСС» МЧЖ босмаҳонаси.
Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «б» уй